ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

А. ҚАЮМОВ

# МАХМУР

*Ўзбек адабиёти тарихидан материаллар*

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ —1956

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАХМУРНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги ва ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизнинг барча халқлари, шу жумладан ўзбек халқи катта тарихий ғалабаларни қўлга киритди. Бу ғалабалар социалистик экономиканинг юксалишида, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг борган сари ривожланишида ўз ифодасини топди.

Совет ҳокимиятининг катта имкониятлар яратиб берганлиги туфайли ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги ўсди, марксизм-ленинизм ғояларини ўзига сингдириб, жаҳонда энг илғор ва прогрессив совет адабиётининг таркибий қисмига айланди.

Ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш ва унинг айрим соҳаларини марксизм-ленинизм методологияси асосида тўла ишлаб чиқиш, ўзбек совет адабиётшунослигининг навбатдаги муҳим вазифаларидан биридир.

Қўлимиздаги бу асар XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида демократик, халқпарварлик фикрини тарғиб қилган, хон амалдорлари, ҳукмдорлар ва умуман эксплуататорларга қарши сатирик шеърлар ёзган шоир Махмурнинг ҳаёти ва ижодиётини ёритишга бағишланган. Қўқон шаҳрида яшаган ва ижод этган бу шоир тўғрисида узоқ вақтларгача етарли маълумот топилмаган эди. Адабиётшуносларга Махмурнинг фақат «Хапалак» шеъри маълум эди, холос[1].

Деҳқонларнинг ўша даврдаги оғир ҳаётини ҳаққоний акс эттирган шоирнинг ўз даврининг илғор фикрли кишиси эканлигини ифодалаган «Хапалак» шеъри китобхоннинг диққатига сазовор бўлди ва кўп тўплам ва хрестоматияларда нашр этилди.

Бу шеър биринчи марта «Гулистон» журналида босилиб чиқди.

---

1 Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, т. II, б. 224, Тошкент, 1945



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундан кейин Махмур ижоди ўзбек мактабларининг адабиёт программасига киритилди ва олий ўқув юртлари учун тайёрланган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» да[1], ҳамда «Ўзбек поэзиясининг антологияси» да[2] ҳам босилиб чиқди.

Унда «Махмур ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Фазлий «Мажмуат-уш-шуаро» да Махмурнинг Умархон саройида яшаган машҳур олим ва шоир Акмалнинг ўғли эканини айтади. Махмурнинг ҳаёти тўғрисида бошқа маълумотларга эга эмасмиз»[3] деб айтилган.

ЎзССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов, халқ шоири Асқарали Ҳамроалиев (Чархий) ларнинг ёрдами билан 1950 йилда Қўқон шаҳарида шоир Махмурнинг девони топилди.

Янги топилган бу қўлёзма девон Махмурнинг ҳажвий, юмористик шеърлари, тарих ва қасидаларидан иборатдир.

Қўлёзмани кўчириб ёзган кишининг номи, шунингдек шеърларнинг ёзилган йили ва қўлёзманинг ёзилган ёки кўчирилган йили айтилмаган. Фақат бир шеърнинг ёзилган йили 1229 ҳижрий (1813—1814) деб кўрсатилган.

Бу девонда шоирнинг 3417 мисрани ташкил этган 69 асари бўлиб, улар мухаммас, мустаҳзод, ғазал, маснавий, рубоий, қитъа ва баҳри мадид шаклида ёзилган шеърлардир.

Бу девонда подшоҳ номига ёзилган ҳажв-тарих ҳам, қозилар, бойлар, амалдорлар номига ёзилган қаттиқ танқидий шеърлар ҳам, фалакдан, тақдирдан, замондан шикоятни ифодаловчи шеърлар ҳам, шу билан бирга подшоҳлар, уларнинг авлодлари номига ёзилган қасидалар ҳам учрайди. Демак, Махмурнинг янги топилган шеърлар тўплами (девони) унинг ижодини ҳартомонлама ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган манбадир.

Қўлёзма оддий қўқон қоғозига қора сиёҳ билан, шеърларнинг сарлавҳалари эса қизил сиёҳ билан ёзилган. Муқоваси йўқ. Хати насталик билан эътиборсизроқ ёзилган. Баъзи саҳифаларнинг четларида қалам, сиёҳ билан қилинган тартибсиз чизиқлар, хатлар ва ҳар турли доғлар учрайди, 69 варақ, ҳажми 16,5 X 27,5,

Махмур девонининг топилгани тўғрисида биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси жамоатчиликни хабардор қилди[4]. Кейинроқ «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларида Махмур ҳақида мақолалар босилиб чиқди.

---

[1] Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, т. II, б. 224, Тошкент.
[2] Ўзбек поэзиясининг антологияси, Тошкент, 1948 й., б. 189.
[3] Ўша ерда
[4] «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 7/1—1951 й.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Звезда Востока» журнали 1951 йилда Махмурнинг рус тилига таржима қилинган шеърларидан бирнечасини ўз саҳифасида босиб чиқарди[1].

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг нашриёти 1951 йил ноябрь ойида Москва шаҳарида ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан Махмурнинг танланган шеърлар тўпламини ўзбек ва рус тилларида нашр этди[2].

Шундан сўнг ўрта мактаблар учун тузилган ўзбек адабиёти программасига унинг «Хапалак» шеъридан ташқари янги топилган «Мухаммас», «Абдулкарим Намангоний тўғрисида ҳажв», «Қози Муҳаммад Ражаб тўғрисида ҳажв», «Ҳожи Ниёз тилидан айтилган ғазал», «Итбоқар қози тилидан», «Дар сифати Ҳаким Туробий ҳазор халта будур» каби шеърлари киритилди ва шу шеърлар «Ўзбек адабиёти» хрестоматиясида нашр этилди[3].

Махмурнинг янги асарлари топилиши муносабати билан унинг ижодиётига бўлган қизиқиш ортди ва уни кенгроқ ўрганиш имконияти туғилди.

## МАХМУРНИНГ АДАБИЙ МУҲИТИ

Махмур XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон шаҳрида яшади ва ижод этди. Қўқон шаҳри бу вақтларда асосан Фарғона водиси ва унинг атрофидаги баъзи районларни ўз ичига олган хонликнинг маркази эди.

Қўқон хонлиги типик феодал давлати эди. Мамлакат хоннинг ўз мулки ҳисобланар, меҳнаткаш аҳоли шафқатсизларча эксплуатация қилинар эди. Бу вақтда демократик тартиблар тўғрисида ҳечқандай сўз бўлиши мумкин эмас эди. Ер асосан йирик феодаллар қўлида эди. Кам ер ва ерсиз камбағал деҳқонлар асосан феодалларнинг ерини ишлаб бериш билан оғир аҳволда тирикчилик ўтказар ва бунинг устига ҳаддан ташқари кўп солиқлар тўлаб, қийналар эдилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида ҳам бошқа феодал давлатларидаги каби, феодал муносабатларнинг ҳукмронлиги мамлакат экономикасига салбий таъсир этди. Хонлар, феодаллар, бойлар, савдогарлар — умуман, эксплуататор синфларнинг вакиллари меҳнаткаш аҳолини ёвузларча эксплуатация қилар, уни очлик ва қашшоқлик билан кун

---

[1] «Звезда Востока» № 7, 1951 г. стр. 85—87

[2] Махмур, Танланган асарлар, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1951 й.

[3] «Адабиёт хрестоматияси», ЎзССР Ўқув—педагогика нашриёти, Тошкент, 1952 й., б. 153—159.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кечиришга мажбур этар эдилар. Шу сабабли эксплуатация қилинучи омма билан феодал эксплуататор гуруҳлар ўртасидаги синфий кураш кескинлашиб борар эди. Бу синфий кураш, шубҳасиз, адабий ҳаётда ҳам ўз аксини топди.

Бу даврда эксплуататор синфларнинг манфаатларига хизмат қилувчи, уларнинг ғояларини тарғиб этувчи реакцион феодал-клерикал адабиёт бор эди. Бу адабиёт вакиллари ҳоким синфларга мадҳиялар ўқир, уларни кўкларга кўтариб мақтар, хон ҳокимиятини мустаҳкам деб кўрсатар ва аҳоли ўртасида эксплуататор синфларга бўйсуниш ғояларини ёйиш учун хизмат қилар эдилар.

Бу адабиёт қаршисида меҳнаткаш аҳолининг оғир азоб-уқубатли турмушини акс этдирувчи, уларнинг феодал ҳукмронларига бўлган нафрат ва ғазабларини ифодаловчи илғор, прогрессив йўналишдаги адабиёт ҳам бор эди. Бу адабиёт вакиллари ўз шеър ва прозаик асарлари билан ҳаётни реал тасвирлар, феодализм давридаги меҳнаткашларнинг оғир аҳволини ифодалар эдилар.

Қўқон хони Умархон (1810—1822) барча феодал ҳукмронлари сингари шуҳратпарастлиги, хушомад ва лаганбардорликни севиши билан машҳур эди. У ўз саройига 70 дан ортиқ хушомадгўй, маддоҳ шоирларни йиғди. Реакцион сарой адабиётининг кўзга кўринган вакиллари-эксплуататорлар синфининг йирик намояндаси Умархон (Амирий), унинг вазири Қосим беклар-беги (Вазир), йирик аристократ Султонжон Тўра (Адо), хушомадгўй шоир Фазлий ва бошқалар ҳисобланар эдилар. Адо катта диний лавозимни эгаллаган эди. У дастлаб Самарқандда шайх-ул-ислом бўлган, сўнг Қўқон хони Умархон ҳузурида юқори мавқини эгаллаган. У Қўқон хони саройидаги шоирларнинг подшоҳи (малик-уш-шуаро) деб аталган. Бу шоирлар фақат Қўқон шаҳаридангина бўлиб қолмай, балки улар ичида бошқа шаҳарлардан келган шоирлар ҳам бор эди. Масалан, Адо Самарқанддан, Фазлий Намангандан, Хотиф Хўжанддан, Хижлат Тошкентдан, Зийнат, Манзур Андижондан борган эди ва ҳоказо.

Бу шоирларнинг шеърларини тўплаб, «Мажмуат-уш шуаро» («Шоирлар йиғилиши») антологиясини тузган Фазлий ўз сўзбошисида сарой шоирларининг кеча-кундуз подшо эшигида ётиб, унинг буйруғини бажарувчи, унга мақтовлар айтучи шахслар эканлигини айтади. Бу антологиянинг тузилиш тартиби шундай: дастлаб Умархоннинг шеъри келтирилади, сўнгра унга ёзилган назира шеърлар берилади. Назира ёзган шоир ўз шеърларининг вазни, формаси, қофияси ва асосий йўналишини Умархон шеърига мослаб ёзиши шарт эди. Масалан, Умархоннинг:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Эй зи қудрат соҳиби дил ҳамчу гул рангин қабо»,—деб бошланган шеърига Вазир, Адо,Нола, Маъюс, Ҳотиф, Ҳижлат, Рамзий, Афсус, Машраф, Росих, Фазлий, Беҳжат, Зоҳид, Қасратий, Ваҳший, Акмал, Ғозий, Музмар, Мутриб Хўжандий ва бошқа шоирларнинг назира қилиб ёзган шеърлари келтирилади. Шундай қилиб, сарой адабиётининг вакиллари фақат ғоявий жиҳатдангина эмас, балки шакл жиҳатидан ҳам тор рамкада ижод этганлар. Феодал-клерикал адабиётда мавжуд бўлган назирагўйлик тақлидчиликдан иборат яланғоч формализм, шеър санъатини тушкунликка, шоир ижодини қашшоқланишга олиб келган эди.

Феодализм даврида баъзан адабий-тарихий асарлар ҳам ёзилар эди. Бу асарлар хон ҳокимияти тарихини тасвирлаб, уни кўкларга кўтариб мақтайди. Бухорода Бухоро амири Ҳайдар (1800—1826) ҳукмронлиги тўғрисидаги «Фатҳномайи ҳоқоний»[1], Қўқонда Қўқон хони Худоёр ҳукмронлиги тўғрисида ёзилган «Тазкирайи султоний»[2] каби асарлар ана шулар жумласидандир.

Иқтисодий ва ижтимоий факторлар таъсири остида, феодал муносабатлар давр талабларига жавоб бераолмай инқирозга юз тутган эди. Шу сабабли феодал тузумининг маддоҳи бўлган реакцион феодал-клерикал адабиёт ҳам тушкунликка юз тутиб, ўлимга маҳкум бўлган эди.

Мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий аҳволи оғирлашган, меҳнаткашларнинг озодлик учун олиб бораётган курашлари кучайган, меҳнаткаш халқ билан феодаллар ўртасидаги синфий кураш кескинлашган бир пайтда, эксплуатация қилинувчи меҳнаткаш омманинг ҳаёт шароитлари илғор тараққийпарвар идеологияни, демократик руҳдаги адабиётни вужудга келтириши муқаррардир. Бу адабиёт намояндалари меҳнаткаш омманинг аҳволига ачинар, уларнинг эксплуататорларга бўлган ғазаби ва нафратларини ўз шеърларида ифодалар эдилар.

В. И. Ленин 1913 йилда бундай деб ёзган эди: «Ҳарбир миллий маданиятда иккита миллий маданият бор. Пуришкевичлар, Гучковлар ва Струвеларнинг великорус маданияти бор, аммо Чернишевский ва Плехановнинг номи билан характерланадиган великорус маданияти ҳам бор. Украинларда ҳам, шунингдек Германияда, Франция, Англия, яҳудийларда ва бошқаларда ҳам худди шундай иккита маданият бор»[3].

Ҳарбир жамиятда эксплуататор синф билан эксплуатация қилинучи меҳнаткаш халқ оммаси ўртасидаги синфий кураш натижасида, меҳнаткаш халқ оммасининг манфаатларини ифо-

---

[1] УзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси. № 601, II.
[2] Ўша ерда, қўлёзма № 629, II.
[3] В. И. Ленин. Асарлар, XX том, б. 8—9.



www.ziyouz.com kutubxonasi

да қилувчи илғор, прогрессив йўналишдаги адабиёт элементлари узоқ даврлар ичида яшаб, тараққий этиб келди. Шунингдек феодализм давридаги ўзбек адабиётида Амир Умархон, Вазир, Адо, Фазлийлар номи билан характерланучи феодаллар манфаатини куйловчи адабиёт вакилларига қарши Гулханий, Махмур каби меҳнаткаш деҳқонлар, ҳунарманд косиблар ва мазлум аҳолининг бошқа табақалари манфаатларини ифодаловчи илғор, прогрессив йўналишдаги адабиёт намояндалари ҳам мавжуд бўлган.

XIX аср ўзбек адабиётидаги прогрессив йўналишдаги адабиётнинг Қўқон шаҳридаги вакилларидан бири Муҳаммад Шариф Гулханийдир. Гулханийнинг қобилиятли шоир эканлигини, унинг шеърлари юксак бадиий маҳорат билан ёзилганлигини ҳатто реакцион феодал адабиёт вакиллари ҳам кўрсатиб ўтишга мажбур бўлганлар. Масалан, Фазлий Гулханийни қанча камситса-да, унинг ҳунар аҳлидан эканини, тожик ва ўзбек тилларида «латиф шеърлар» ёзган шоир эканини эътироф этган[1].

«Тухфатул-аҳбоб фи тазкират-ул асҳоб» асарининг автори Қори Раҳматулло Бухорий ҳам Гулханийнинг «камолотга етишган, юқори даражада илмий ва бадиий маҳорат эгаси» бўлганини кўрсатиб ўтади.

Оддий ҳаммомчи (гўлаҳ) ва сўнгра сарбоз бўлиб ишлаган Муҳаммад Шариф Гулханий ўзининг машҳур «Зарбулмасал» асарида феодализм ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг вайронага айланганини ифодалади, ҳукмрон синф вакилларининг образларини чизиб берди ва фош этди.

Гулханий ўз асарларида меҳнаткашларнинг оғир ва машаққатли ҳаётини тасвирлади, уларга ҳайрхоҳлик билдирди, очкўз бойлар, судхўрлар ва феодал эксплуататорларнинг бошқа намояндаларини қаттиқ танқид қилди.

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган наманганли шоир Маъдан (1788—1856) ўз шеърларида ўша даврдаги эзилган меҳнаткашлар кайфиятини акс эттириб, «Жафо чеккан, алам тортган, ҳаловат кўрмаган жоним», деб шикоят қилади. Маъдан таҳаллусли Одина Муҳаммад Аваз Муҳаммад деган кишининг ўғли эди. У 12 ёшидаёқ подачилик қилиб юрган вақтларида шеър айтабошлаган эди. Кейинчалик деҳқончилик билан шуғулланади. Уни хон ўз саройига тортмоқчи бўлганда, «Шаҳарга ўзим сиғсам ҳам, менинг оҳу-фиғоним сиғмайди» деб хон саройига бориб, маддоҳ бўлиб яшашдан бош тортади[2].

---

[1] Мажмуат-уш-шуаро, Тошкент, 1320, б. 244.

[2] Пўлатжон Қаюм, Шоир Маъдан, «Гулистон» № 11, 1939 й. б. 27—28.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулханий, Маъдан каби шоирлар билан ҳамаср бўлган тараққийпарвар шоир Мужрим Обид ўзининг халқпарварлик ғоялари учун хон томонидан қувғин остига олинади[1].

Ўша даврда яшаган шоир Жунайдулло Ҳозиқ ҳаддан ошган ноҳақлик, адолатсизлик, зулм ва истибдод жабридан фаръёд қилиб аламли мисраъларни яратади. XIX аср ўзбек ва тожик адабиётининг бу йирик арбоби кўп шаҳарларни қонга ботирган Бухоро амири Насруллонинг юзига қараб «Сен қаддингга лаънатлардан шундай кийим тикдинг-ки, у сенинг устингда қиёматгача қолади» деб жасурона хитоб қилди.

Хон деспотизмига норозилик билдирган бу эрксевар шоир Бухоро амири Насруллонинг буйруғи билан ўлдирилди.

«Мунтахаб-ут-таворих» автори Ҳакимхон Тўранинг ёзишича, амир юборган қотиллар 1846 йилда Шаҳрисабзда Ҳозиқни ўлдириб, унинг бошини ўша вақтда Қаршида бўлган Насруллога олиб келганлар[2].

Прогрессив йўналишдаги адабиёт вакиллари меҳнаткаш аҳоли манфаатларини куйладилар, адабиётга реал ҳаёт воқилигини киритдилар, ўз асарларида феодализм тузумининг маразларини очиб кўрсатдилар. Лекин бу шоирлар ўз даврининг ижтимоий рамкаларидан ташқарига чиқаолмадилар. Улар меҳнаткашларнинг машаққатли ҳаётини кўриб, унга ачиниш билан чекландилар, лекин бу ҳаётдан қутилиш учун курашга чақирмадилар.

Шунга қарамай XIX аср феодализм давридаги ўзбек адабиётида мавжуд бўлган илғор, прогрессив йўналишдаги адабиётнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ва аҳамияти каттадир.

Бу адабиёт XIX аср феодализм давридаги мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида қандай муҳим воқиалар юз берганини чуқур ўрганиш учун хизмат қилади, феодал эксплуатациясининг ёвузлигини очиб беради, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида давом этган кескин синфий курашнинг адабиётда ҳам ўз аксини топгани ва унга таъсир кўрсатганини билдиради.

Шоир Махмур XIX аср ўзбек адабиётидаги ана шу прогрессив йўналишдаги адабиёт вакилларидан биридир.

Феодал клерикал адабиётнинг вакиллари билан прогрессив йўналишдаги адабиёт вакиллари ўртасидаги қарама-қаршилик ва кураш, бу иккала адабиётнинг вакиллари Фазлий

---

1 «История народов Узбекистана», Тошкент, 1947, стр. 179.

2 Мунтахаб-ут таворих УзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси № 1560, варақ 214 а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва Махмур ўртасидаги муносабатларда айниқса яққол кўзга кўринади.

Шоир Фазлийнинг Махмурга нисбатан ғаразли муносабати ҳукмрон феодал гуруҳларнинг Махмурга бўлган муносабатини билдиради. Фазлий Махмурни «яхшилардан» паст туручи (Фазлийнинг тушунишидаги яхшилар сарой шоирлари — А. Қ.) шоир деб характерлайди. Махмурга нисбатан бўлган бу ҳақоратли муносабат Фазлийнинг бошқа изоҳларида ҳам аниқ сезилиб туради.

«Мажмуат-уш-шуаро» да Фазлий Махмурнинг «Тароғ» радифли шеърини келтирар экан, бундай деб изоҳ беради:

Хаёлоти Махмур бе марҳабост
Ҳижогўй ғайбат қалб ошносот.
Наёяд зи афъоли ў ғайри бад,
Бувад ҳарчи қавли ному тамад.

Шикоят кунад аз ҳамин бисъёр
Зи Махмурий нашъаи кўкнор.
Бувад шеъри он кўса аз лоғари
Зи оройиши реши саблат бари.
Ба зулфи сухан шона зад ончунин
Бувад шеъри хўби малиҳаш ҳамин[1].

Таржимаси:

Махмурнинг хаёлоти марҳаматли эмас,
Унинг ҳажвгўлиги ғийбат ва қаллобликка яқин,
Ҳаракатида ёмонликдан бошқа нарса келмайди.
Барча сўзига ишониш мумкин эмас.
Кўкнор нашъасига ҳумор бўлгани учун,
Бу мўлчиликдан шикоят қилади.
Бу кўсанинг шеъри ориқлиқ,
Ҳамиша соқол-мўйловга оро бериш тўғрисида бўлади.
Сўз зулфига шу равишда тароғ чекди
Унинг чиройли яхши шеъри бундайдир.

Бундай ҳақоратли изоҳ кетидан Махмурнинг «Тароғ» радифли шеъри келтирилади. Бу тасодифий ҳол эмас. Фазлийнинг ўз тўпламига, бадиий жиҳатдан бўш ва Махмур ижоди учун характерли бўлмаган бу шеърни киритишдан мақсади — шоир ижодини камситиш эди.

Аммо Махмур ҳам бу ҳақоратларга муносиб жавоб бериб келган. Фазлий номига ёзилган ҳажвий шеърларида Махмур

[1] Мажмуат-уш-шуаро, ЎзССР ФА ш. қўлёзмаси № 9139 варақ 271 а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳоким табақанинг лаганбардори-шоир Фазлийни бундай деб таърифлайди:

Эй сияҳ деврoҳ исқотий,
Дузди нақди гуноҳ исқотий.
Дар жаҳаннам миёнаи жуҳало,
Садри олижаноб, исқотий[1].

Таржимаси:

Эй, қора дев йўлидан юручи исқотий
Нақд гуноҳнинг ўғриси, исқотий.
Жаҳаннамда жоҳиллар орасида,
Бош ўринни олар исқотий.

Исқотий деб ўлган кишиларнинг гуноҳларини марҳумнинг молларидан бир ҳиссаси бараварига ўз бўйнига олучи кишини атар эдилар. Демак, жамиятдаги энг текинхўр, ҳаромхўр кишилар исқотий деб аталар эди.

Шоир «Амаким» радифли шеърида Фазлийнинг Тўрақўрғон ва Наманганда исқотийлик касби билан ном чиқарганини эслатиб ўтади ва унинг ўлик чиқадиган жойни ахтариб юрганини заҳарханда билан ҳикоя қилади:

Тўрақўрғон билан Наманганда
Хуш эди мансаби равон амаким.
Кеча-кунлар сўраб юрар эрди,
Мурдалар жамъидан нишон амаким.
Бўлди зарб-ул масал бу боисдан
Пийри исқотийи замон амаким[2].

Махмур Фазлийга умумий характеристика бериб, унинг тўғрисида бундай деб ёзади:

Кўрунур базм аро мусоҳибга
Шакли монандаи илон амаким.
Кимки, олдида билмай ўлтурса
Чақди заҳри билан чиён амаким.
Даъби шулким, мудом еткурса
Халқ аро заҳмату зиён амаким[3].

Шоир Фазлийнинг хон олдида қиладиган лаганбардорлигини ҳам фош этади.

Шоҳи Султон Умарни йўлдан уруб,
Айлади шоири шаҳон амаким.

---

[1] Махмур девони, варақ 25 б.
[2] Ўша қўлёзма варақ 26 б.
[3] Ўша қўлъёзма, варақ 27 б



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳама ашъорини бериб анға,
Олди дунёни бегирон амаким[1].

Фазлий номига ёзилган «Улғай» (бўлгай) радифли шеърида Махмур бундай муттаҳам, ноинсоф, тубан ва лаганбардор шахсларга ўзининг нафратини йўллайди:

Тавқи лаънатни гарданига осиб
Боби заллатга номдор ўлғай,
Икки оламда бул мазаллатдин,
Қобили қаҳри кирдикор ўлғай[2].

Фазлийнинг бундай жазоларга йўлиқишини тилаш билан чекланиб қолмай, яна шоир унинг халқ ўртасида бутун қилмишлари билан шарманда бўлишини истайди:

Ботини халқ ичида эрди ало,
Зоҳири даҳр аро чифар ўлғай.

. . . . . . . . .

Та абад нақди лаънату нафрин
Жами авқотига нисор ўлғай[3].

Махмур Фазлийнинг башараси ва кирдикорларини юқоридаги каби ўткир сатрларда бадиий воситалар орқали очиб ташлаган эди. Бу ҳар икки шоир орасидаги кураш ўша даврдаги феодал-клерикал адабиёт билан прогрессив демократик адабиёт орасидаги курашни яққол кўрсатади.

## МАХМУР БИОГРАФИЯСИГА ОИД БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

Шоир Махмур Қўқон хонлигининг маркази бўлган Қўқон шаҳарида туғилди. Унинг туғилган йили ҳозирча аниқланган эмас. Лекин баъзи маълумотларга кўра, унинг XVIII асрнинг охирги чорагида туғилганлигини тахмин қилиш мумкин. Шоирнинг отаси Шермуҳаммад асли Қўқон шаҳари яқинидаги Бойтуман (ҳозир Фарғона область, Молотов райони территориясида) қишлоғидан эди. Мулла Шермуҳаммад Акмал тахаллуси билан шеърлар ёзган. Акмалнинг шеърлари Фазлий томонидан тузилган «Мажмуат-уш-шуаро[4] антологиясида ва Шарқшунослик институтидаги бошқа баёз ва тўпламларда учрайди.

---

[1] Махмур девони варақ 28 б.
[2] Ўша қўлёзма, ўша бет.
[3] Ўша қўлёзма, варақ 28 б.
[4] ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмаси. Инв. № 9139, б. 177 а, 193-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўқон шаҳрида яшовчи хабардор кишиларнинг маълумот беришича[1]. Мулла Шермуҳаммад Акмал Қўқон шаҳридаги мадрасаи Мирда мударрислик қилган эди.

Шоир Акмал тўғрисида қисқача маълумот «Туҳфат-ул аҳбоб фи тазкират-ул асҳоб» асарида ҳам учрайди. Бу асарнинг автори Қори Раҳматулло Акмалнинг камолга етишган, талантли шоир эканини, унинг адабиёт аҳллари орасида анча обрўга эга бўлганини айтади. Бу асар авторининг кўрсатишича, Акмал тожик ва ўзбек тилларида ёзилган иккита девон тузган[2]. Лекин бу асарда Акмалнинг туғилган ва вафот этган йили кўрсатилмайди.

Айтишларига қараганда, Мулла Шермуҳаммад Акмал ўз даврининг танилган хаттотларидан Турдиалининг қизига уйланган. Хаттот Турдиали эса катта нақшдор ёзувлар ёзиш ишида шуҳрат топган киши бўлган.

Хаттот Турдиали асли, «Ҳапалак»[3] қишлоғидан бўлган ва Махмурнинг онаси эса ана шу қишлоқда туғилган. Шунинг учун Махмур Ҳапалак қишлоғига алоқаси борлигини таъкидлаб ўзининг «Ҳапалак» шеърига «Дар сифати қишлоғи Ҳапалак, ки Маҳдум Махмур тааллуқ ёфт», «Махдум Махмур алоқадор бўлган Ҳапалак қишлоғининг сифатида»)[4] деб сарлавҳа қўйган.

Махмурнинг асли номи Маҳмуд бўлиб, Махмур унинг адабий тахаллусидир.

Маҳмуд мадрасаи Мирда ўқиди. Шоирнинг болалик, ёшлик чоғлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмасмиз. Лекин унинг ёшлик чоғларидаёқ адабиётга қизиққани, шеърлар ёзабошлагани ва унинг бу шеърлари адабиётшунослар диққатини ўзига жалб қилганлигига гувоҳлик берувчи далиллар бор.

Махмур ва унинг оиласи ҳаддан ташқари оғир иқтисодий қийинчиликларда, муҳтожлик билан яшаган. Болалари оч ва яланғоч яшаганлиги ҳақида Махмурнинг ўзи бир шеърида зорланиб бундай деб ёзади:

Ҳар се атфоли дуогўе, ки ҳазрат донанд,
Ҳар серо банда тасаддуқ кунам аз ҳазрати жон.
Рўзи ид аст надоранд либосе ҳар се,
Ончи зоданд замон нав ҳамон, тарз ҳамон[5].

---

1 ЎзССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи П. Қаюмов.

2 Тухфат-ул ахбоб фи тазкират-ул асҳоб, Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмаси, № 1857, варақ 15 а.

3 Ҳапалак қишлоғи ҳозирги Фарғона область, Горск районидаги Қум қишлоқ совети территориясидадир.

4 Махмур девони, варақ 49 а.

5 Ўша қўлёзма, варақ 22 а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таржимаси:

Бу дуогўйнинг ҳар уч боласики, ҳазрат биладилар, ҳар уччаласини мен жонимнинг энг қимматли жойларидан севаман.

Бугун — ҳайит куни ҳар уччовининг ҳам бирор кийими йўқ,

Қандай ҳолда туғилган бўлса, ҳозир ҳам ўша турда, ўша тарзда.

Шоир оиласининг иқтисодий қийинчилик ичида яшагани бирқанча шеърларида таъкидланади. Уйида егани овқати ҳам йўқлиги, бир ҳовуч ҳам ғалла қолмагани шоирнинг қуйидаги мисраларида баён қилинади:

Кечалар ётгани на қўшим бор
Кундузи ичгани на нўшим бор.
Бир ҳовуч на уйимда ғаллам бор,
Икки газ на бошимда саллам бор.
Бошима газ десамки, саллам йўқ
Салла десам, уйимда ғаллам йўқ[1].

Доимий муҳтожлик, очлик шоирни қаттиқ ранжитар, ўз болаларининг оч қолганини кўриб юраги эзилар, ўзининг қаттиқ муҳтожликлар ичида яшаганидан қайғирар эди.

Махмур ўзининг бир шеърида хон ўрдасида оддий сипоҳ бўлиб хизмат қилганини айтади. Бу ҳол шоир Махмур ва Гулханийнинг ҳар иккаласи бир хил даражадаги хизматда бўлганлигини кўрсатади. Чунки Гулханийнинг ҳам сипоҳ бўлгани маълум. Сипоҳлик хизматида Махмур хоннинг ҳар турли юришларида иштирок этишга мажбур бўлган.

Шоирнинг Қурама вилоятига атаб ёзган шеъри ана шундай сафарлардан бири вақтида ёзилган бўлса керак.

Махмур хоннинг вазири Қосим беклар-бегига ёзган ариза шаклидаги шеърида чидаб бўлмайдиган машаққатли турмушини акс эттиради ва оилани боқиш, оғир турмушдан қутилиш мақсадида вазирдан моддий ёрдам сўрашга мажбур бўлганини кўрсатиб бундай дейди:

Осафо, авқот илгида адо бўлдим вазир,
Муфлису каллошлиқдан ғамзадо бўлдим вазир,
Уч бола-ки нон тополмай бенаво бўлдим вазир,
Даргоҳингга шоятуллоҳ деб гадо бўлдим вазир,
Мисли сойиллар каби соҳиб нидо бўлдим вазир[2].

Шоир ўзининг бундай оғир аҳволидан қаттиқ ўкинади, ўзининг хўрлангани, тубанлар олдида тиз чўкишга мажбур бўл-

---

[1] Махмур девони, варақ 21 б.
[2] Ўша қўлёзма, варақ 18 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ганидан зорланиб, бошқаларнинг сира ҳам бундай аҳволга тушмасликларини орзу қилади, ўз турмушидан безиб, бундай деб ёзади:

Ҳеч киши оламда мендек толиби нон бўлмасин,
Нон сўроғида халойиқ ичра сарсон бўлмасин.
Хўмачини хони неъматбахши инсон бўлмасин
Нега кўрмай оқибатни қадхудо бўлдим вазир[1].

Махмур бу шеърида болаларининг очлик азобида қийналганини зўр юрак дарди ва алам билан тасвирлайди, бир қизи ва икки ўғлининг эрталаб уйқидан нон деб уйғонишини айтиб юраги эзилади:

Субҳ ким партав урар дахр ичра меҳри ховари,
Нон деб ўрнидан турар бир хоҳар, икки додари[2].

Махмур яна бошқа бир шеърида қаҳратон қиш кунларида уй-жойсиз қолганини, уйида на ун ва на яримта кулча ҳам йўқ эканини айтади.

Махмурнинг иқтисодий аҳволи ана шундай эди. Унинг фарьёдларига ҳечким қулоқ солмас, феодал аристократияси шоирни шундай муҳтожлик чангалида тутар, уни руҳан азоблар эди. Махмурнинг аянчли ҳаёти феодализм даврида яшаган илғор фикрли кишиларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан бир қаторда кечирган оғир ҳаётининг яққол картинасидир.

Махмурнинг қаттиқ моддий қийинчиликларда яшагани, унинг хон амалдорлари томонидан ҳечқандай илтифот кўрмагани очиқ-ойдин кўриниб туради. Чунки сарой аҳли, юқори амалдорлар Махмурни ёқтирмаганлар ва унга ҳечқандай ёрдам бермаганлар.

Сарой шоирлари реакцион ҳоким табақанинг манфаатларини ҳимоя қилувчи асарлар ёзар эдилар, бу шеър ва қасидалари эвазига катта инъомлар олар ва шунинг ҳисобига яшар эдилар. Аммо Махмурнинг прогрессив идея нуқтаи назаридан ёзган шеърлари «юқори» табақага ёқмас, шунинг учун у оғир ва машаққатли турмуш кечиришга мажбур бўлар эди. Бу тўғрида унинг ўзи Умархонга ёзган бир шеърида бундай дейди:

На маро касб на дар даст ҳунар ғайр аз шеър
На маро ёваре, на додаре ғайр аз-шон
На маро ғалла зи аҳди ту расид, на жома
На маро боиси авқоти амал ҳаст аён[3].

---

1 Махмур девони, в. 18 б.
2 Ўша қўлёзма. в. 19 а.
3 Ўша қўлёзма, варақ 22 а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таржимаси:

Менинг шеър ёзишдан бошқа қўлимда на бир касб, на бир ҳунар бор,
Шундан бошқа менда на бирор ёвар, на қариндош бор.
Сенинг давлатингда менга на бироз ғалла, на устбош тегди,
На менинг умр ўтказишимнинг сабаби маълум бўлди.

Шоир Махмурнинг ўз шеърларини ўзбек ва тожик тилларида ёзиши унинг ҳар икки тилни ҳам мукаммал билганини кўрсатади. У ўз атрофини ўраган, жоҳил ва нодон кишиларга қаттиқ ғазаб билан қарар эди. Ўзининг Умархон номига ёзган бир шеърида сипоҳлик хизматидан безор бўлганини, унинг атрофини ўраган жоҳил кишилар муҳитидан безганини айтиб, шикоят қилади.

Агар ба гўшаи чашме ба сўи ман нигари,
Шавам саромади ақрону, сарвари фузало.
Шаҳо зи дасти камин банда ҳарчи меоянд
Зи илму фану, сипоҳи-ў, хоҳ ғайри ҳумо...
Агар амири жаҳонгир ҳастам фазоили ман
Шарик ёфта созанд розиам, аммо
Чунончи вай бувад аз ҳар фунун чу ман Вомиқ
Зи илми шеъру таърихи, дафтари имо[1].

Таржимаси:

Агар кўзингнинг учи билан менинг томонимга қарасанг,
Ўз тенгқурларимнинг кўзга кўрингани, фозилларнинг сарвариман,
Эй шоҳ, бу паст қулнинг қўлидан ҳар иш келади,
Ҳам илму фанда, ҳам сипоҳликда, ҳам бошқаларда...
Агар жаҳонгир амир менинг фазилатларимга
Шерик бўлаолучи кишини топса, розиман,
У ҳарбир фанда мен каби Вомиқ бўлса
Ҳам шеър, ҳам тарих, ҳам имо дафтарида.

Доимий муҳтожлик, машаққат ичида яшаб, оғир кулфатли ҳаётни бошидан кечирган шоир ундан қутилиш йўлини топаолмай, ўша ҳаётнинг қурбони бўлди. Унинг қачон вафот этгани шу вақтгача аниқланган эмас.

Махмур ижодининг гуллаган даври XIX асрнинг 20—45 йилларига тўғри келади. Чунки у Умархон (1810—1825), Муҳаммад Али хонлар (1825—1842) ҳукмронлик қилган даврда яшади ва ижод қилди. Янги топилган шеърлар тўпламида Қўқонда Бухоро ҳокимияти йиқитилгандан сўнг хон

[1] Махмур девони, варақ 44 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб кўтарилган Шералининг хизматчиларидан Азизбек хазиначи номига аталган бир шеър ҳам учрайди[1]. У шеър «Авсофи Азизбек хазиначи дар вақти Шер Алихон Мархумий» («Марҳум Шер Алижон вақтидаги Азизбек хазиначининг сифатлари») деб аталади. Маълумки, Шер Алихон 1845/1261 ҳижри) йилда ўлдирилган. Демак, бу шеърлар Шер Алихон ўлдирилгандан сўнг ёзилган. Бу эса, Махмурнинг 1845 йилда ҳаёт эканлигидан дарак беради.

## МАХМУР ИЖОДИ

Маҳмур шеърларида меҳнаткашлар ва ҳунармандларнинг оғир ҳаёти ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан унинг «айладинг» радифли шеъри (муножот) диққатга сазовордир. Шоир унда муножотлардаги каби тангри номига мақтовлар айтиш ўрнига, шикоят ва нолиш мотивларини куйлайди.

Шоир яна бу шеърида Қўқон хонлигида ҳукм сурган феодал зулмининг картинасини ҳаққоний равишда очиб ташлайди, ўша пайтда ҳукм сурган тенгсизлик, ҳуқуқсизликдан, зулмдан ғазабланади, оғир турмушдан шикоят қилади. Махмур феодализм ҳукмронлиги даврида донолар жоҳиллар панжаси остида эзилган, тўтилар зиндонга ташланган, булбуллар бойқушларга қарам бўлиб қолган, илм-ҳунар аҳли жабру зулм остида хор бўлган деб фиғон чекади:

Доимий эҳсони вай бошад ба сўйи ағниё,
Қард донаён ба зери панжаи жоҳил фано.
Тўтиёнро сохта дар қайди зиндон мубтало,
Андалибонро мутеъи бўм карди, эй сабо.
Аҳли донишни забуни дасти нодон айладинг.
Хор қилдинг оқибат ҳаркимки эрди аржуманд,
Паст этдинг соядек, нахлики бўлди сарбаланд,
Барча феълинг носутуда, жумла васфинг нописанд.
Юсуфи Мисрийни айлаб чоҳи зиндон ичра банд,
Пири канъон манзилини байтулаҳзон айладинг[2].

Маъноси:

Ҳардоим унинг эҳсони бойлар томонида бўлди,
Доноларни жоҳиллар панжаси остида эзди.
Тўтиларни зиндон занжирларига мубтало қилиб,
Булбулларни бойқушларга бўйсундирдинг, эй сабо.
Илм аҳлини нодонлар қўлида ожиз қилдинг.
Кимки олижаноб бўлса, оқибат уни хор қилдинг,

---

[1] Махмур девони, варақ 66 а.
[2] Ўша қўлёзма 16 б, 17 а



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эндигина бош кўтарган ниҳолни соядек паст этдинг.
Барча феълинг ярамас, ҳарбир сифатинг номақбул,
Мисрли Юсуфни зиндон чуқурида банд айлаб,
Пири канъоннинг манзилини ғам уйи қилдинг.

Махмур камбағал меҳнаткаш деҳқонларнинг кечираётган азоб-уқубатли ҳаётини кўриб, юракдан ачинди, феодализм тутқунлигида, хонлар ва бойлар зулмида эзилган меҳнаткаш деҳқонларнинг ҳолига хайрихоҳлик билан қаради, меҳнаткашларнинг машаққатли турмушини ўз шеърларида зўр қайғу билан тасвирлади. Унинг «Ҳапалак» шеъри бу жиҳатдан характерлидир. Бу шеър Махмур ижодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг халқпарвар, ўз замонининг илғор фикрли кишиси эканини кўрсатиб беради. Ҳапалак қишлоғи аҳолисининг қашшоқлиги, ҳаддан ташқари очлик ва муҳтожлик ичида яшаганлиги, уй-жой шароитининг жуда ҳам аянч аҳволда эканлиги қуйидаги мисраларда ёрқин ифодаланади:

Турфа қишлоқи ғазаб карда, ки паррандалари,
Товуғи игначи-ю, ўрдаги-ғози капалак.
Вори йўқ уйларини банда баён гар қилсам,
Бир катак, икки капа, уч олачуқ, тўрт каталак.
Дема уй балки замин, кундуз агар кирса киши
Ҳар тараф бетига ургайлар анинг кўршапалак[1].

Ҳисобсиз солиқларнинг солиниши хон амалдорлари томонидан турли ҳийла-найранглар билан охирги ҳовуч донларининг ҳам тортиб олиниши натижасида деҳқонлар оч-яланғоч умр кечирар эдилар. Ҳапалак қишлоғидаги меҳнаткаш деҳқонларнинг ана шундай оғир ва чидаб бўлмаслик даражадаги ҳолати шеърда бундай тасвирланади:

Халқини кўрсанг агар ўласи-ю, қоқу-хароб,
Очликдан эгилиб қомати мисли камалак[2].
Ажириғ томирини ўғурида майда туйиб,
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак[3].

Феодаллар ҳукмронлиги даврида кўпгина ҳосилдор ерлар сувсизликдан қақраб ётар, кўп қишлоқлар сув етишмаганлиги натижасида харобаланар, бузилиб вайрон бўлиб кетар эди. Хонлар, беклар, бойлар фақат меҳнаткаш аҳолини талаш билангина шуғулланардилар. Сувсизлик экинларни қовжиратибгина қолмай, ҳаёт шароитини ҳам чидаб бўлмаслик даражада оғирлаштира борар эди. Ҳапалак қишлоғи ана шундай

---

[1] Махмур девони, варақ 49 а.
[2] Ўша қўлёзма 49 а.
[3] Ўша бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқлардан бири бўлиб, унинг аҳолиси сувсизлик азобидан ниҳоят қийналар эди. Махмур Ҳапалак қишлоғидаги сув танқислигини шундай тасвирлайди:

Гар таҳорат қи(л)са қавми сув тополмай ночор,
Бетини қум ила ю(ви)б, кўзига суртар гувалак[1].

Уйсиз, жойсиз, овқатсиз, очлик-яланғочлик билан сувсизлик азобида қийналиб яшаётган Ҳапалак қишлоғи аҳолисига хон томонидан яна «тилла пули» солиғи солинар, бу солиқ қишлоқ аҳолиси учун жуда зўр бахтсизлик устига келган муддиш бало ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам шоир:

Кеча ногоҳ эшитиб шуҳрати тилла пулини
Ҳапалак қўрқусидан учди мисоли капалак[2]. дейди.

Махмур меҳнаткаш халққа ёрдам қилишни, унинг оғир аҳволини қўлидан келганича енгиллатишни истади. У хондан Ҳапалак қишлоғига солинадиган солиқдан кечишни талаб қилди.

«Ҳапалак» шеъри феодализм давридаги камбағал деҳқонлар кечирган оғир ҳаётнинг реал картинасини чизиб беради. Ҳапалак Қўқон хонлигидаги қишлоқларнинг типик намунаси эди. Бошқа қишлоқлар ҳам Ҳапалак каби вайрон бўлган эди. У, қишлоқларнинг аҳолиси ҳам Ҳапалак аҳолиси каби феодал эксплуатацияси зулми остида эзилар эди.

Мамлакатда сувнинг танқислиги, ўлканинг хароблиги, аҳолининг табиат стихияси олдида ожиз эканлиги «Таърифи вилояти Қурама ва аз Давони Кандир гузаштан» шеърида очиқ ифода қилинади. Бу шеърда Махмур ўзининг Қурама районига қилган сафарини ҳикоя қилади ва бу райондаги Кандир довонидан қандай ўтганини сўзлайди.

Шоир бу вилоятнинг табиати, бу ерда сувнинг танқислиги тўғрисида гапиради. Қурама вилояти, ҳаддан ташқари иссиқ бўлиб, унумдор ерлар қақраб даштга айлангани тўғрисида шундай дейди:

Турфа шаҳрики, анинг сарсари монанди самум,
Куйдириб шиддати сармоси халойиқни чу мум,
Ҳартараф анда олиб хайли бало, фавжи ҳужум,
Суви заҳробайи ғам, чашмалари айни заққум,
Ҳосили маҳсули офоти бақойи Қурама[3].

Қурама вилояти деҳқонларининг аҳволи Ҳапалак деҳқонларининг аҳволидан яхши эмас эди. Сунъий суғориш система-

---

1 Махмур девони, ўша бет.
2 Ўша бет.
3 Ўша қўлёзма, варақ 64 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

си асосий суғориш усули бўлган ўлкада сув етишмаслиги аҳоли бошига битган энг оғир бахтсизликлардан бири эди. Чашмалари заққумдан иборат бўлган бу вилоятнинг сувгазорлигини ифодалаб, шоир «Тўла қатрони жаҳаннам ҳамасойи Қурама», деб ёзади.

Махмур ўз шеърларида феодал жамиятининг ҳартурли салбий элементларини қаттиқ танқид қилди. Унинг ҳажвларида феодализм шароитидаги эксплуататорларнинг хусусиятлари—манфаатпарастлик, ёлғончилик, товламачилик, очкўзлик, текинхўрлик, дангасалик, бировнинг ҳақини еб кетиш, виждонсизлик, такаббурлик, жоҳиллик, лаганбардорлик каби одатлар қораланди. Махмур феодализм жамиятидаги айрим вакилларни танқид қилар экан, шу образлар орқали ўша жамиятдаги маразларни очиб ташлади.

Хўжа Мир Асад деган кишининг номига ёзилган ҳажвий шеър ана шулар жумласидандир. Шоир шаҳарнинг катта бойларидан бири бўлган Мир Асаднинг ахлоқсизлиги, феъли-атвори, одобсизлигини, халққа дилозорлигини фош этади:

Аждаҳо пайкару масмум ҳақоратгари халқ
Мори ифритсифат, соҳиби дашному, изо.
Турфа бир хўжаки, ҳаргоҳ такаллум қилса,
Зан-у баччангини (ҳақорат-ла) қилар сўзни адо[1].

Сўнг шоир бу шеърини шундай давом этдиради. Хўжа Мир Асаднинг уйига яқинлашган сари унинг уйидан доду фиғон овозлари эшитиларди. Унинг барча оила аъзолари, хизматкорлари дод солиб йиғлайди. Шоир ҳайрон қолиб, нима воқиа юз берди, деб сўрайди. Унга хўжанинг дунёдан ўтганини айтадилар. Хўжанинг шоирдан қарзи бор эди. Лекин унинг ўлимини эшитиб Махмур қарздан воз кечади. Орадан бирнеча кун ўтгач:

Баъд чанде, ки ўро саломат дидам,
Гуфтам, эй рафтаи боз омада аз шаҳри фано?[2].

Таржимаси:

Бирнеча вақтдан сўнг уни яна саломат кўрдим,

Айтдим: эй кетган, фано шаҳридан яна келдингми? Хўжа бундай деб жавоб беради: Сенинг бир нарса талаб қилиб уйим томонга яқинлашганингни эшитишим билан жоним танимдан чиқиб кетди. Сен ўша нарсадан воз кечиб қайтиб кетганингдан сўнг жоним яна танамга қайтди.

---

[1] Махмур девони, варақ 39 а.
[2] Ўша қўлёзма, варақ 40 а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир улар диалогининг давомида Хўжа Мир Асаднинг хасислигини, очкўзлигини, муттаҳамлигини фош қилади. Хўжа Мир Асад феодализм шароити яратган типларнинг биридир. У арзимас фойда учун ҳар ишни қилишга тайёр, унинг учун шахсий манфаатни кўзлашдан юқорироқ нарса йўқ.

Махмур бу ҳажвда бойларнинг бахиллигидан қаттиқ кулади, ўзининг бу бойга бўлган чуқур нафратини ифодалайди.

Халқни алдовчи, мунофиқ, шубҳали ишлар билан шуғулланувчи бир муттаҳам кишининг образи «Авсофи ҳожи Ниёз...» сарлавҳали шеърда берилади ва унинг барча ярамас қилмишлари қаттиқ танқид остига олинади. Шоир ҳожи Ниёзни шундай тасвирлайди:

Зи бас лода, маъжуну, бадкайфдир,
Анга яхши мадҳу сано ҳайфдир.
Олиб неча пулни пайи нафси рев
Зиҳи макр-у найранги афсуни дев[1].

Бу ҳожининг кирмаган кўчаси йўқ, қайси ишдан манфаат чиқадиган бўлса, унинг яхши-ёмонлигидан қатъий назар, ўша томонга ўзини уради.

Шоир ҳожи Ниёзнинг ўз тилидан шеър ёзиб, унинг барча қилмишларини ўзига ҳикоя қилдиради. Унинг жаҳонда бор бўлган жиноятларнинг ҳаммасини қилганига, замона аҳли ичида энг қора юзли жиноятчи эканига иқрор қилдиради:

Даври жаҳонда қолмади мен қи(л)маган гуноҳи бад,
Хоси замона аҳлида осийи рўсиёҳ ўзим...
Журм десанг қабат-қабат, фисқ десанг сабат-сабат,
Наҳс десанг намат-намат, сўфийи хонақоҳ ўзим[2].

Ҳожи Ниёз хоннинг яқинларидан ҳисобланади, саройдаги базмларда қатнашади, Махмурнинг ғазабли ифодасича, у хон хизматида миршабликдан тортиб, энг паст вазифагача ҳамма нарсани адо этади.

Бу шеърнинг бошидан охиригача шоирнинг ҳожи Ниёзга бўлган чуқур нафрати сезилиб туради.

«Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор халта» шеърида Махмур халқни алдовчи, илмсиз, жоҳил табибни фош қилади. Феодал тутқунлиги остида яшовчи меҳнаткаш халқ антисанитар шароитда, очлик, яланғочлик билан турмуш кечиргани ва энг оддий медицина хизматидан ҳам маҳрум бўлгани шубҳасиздир. Халқни даволашдек шарафли вазифани пул топиш воситасига айлантирган, даволаш ўрнига касалларни ўлдира-

---

[1] Махмур девони, варақ 56 а.

[2] Ўша кўлёзма, варақ 56 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

диган саводсиз, жоҳил табибни тасвирлашга киришар экан, Махмур ўқучига бу табибнинг саломига лаънат билан жавоб бериш керак эканини уқдириб ўтади ва уни қуйидагича характерлайди:

Ажаб бир ҳакими шақоват сиришт,
Мақомики, дўзах эрур сарнавишт.
Кезар дашту саҳро касал истабон,
Ажал орқасидин юрар қистабон.
Жаҳон ичра ул жоҳили нобакор,
Ажал илкидан олганға келгай дучор[1].

Шоирнинг айтишича, ҳаким Туробий ҳазор халта юз хил қалбаки усуллар билан халқни алдаб, ўзи тушунмаган ҳолда ҳартурли «дори» ларни нотоб кишиларга бериб юборабераdи ва уларнинг ўлимига сабабчи бўлади:

Келар олдига кимки, дору сўраб,
Ба аҳволи ранжур, дарди тааб.
Берар заҳрни нўш дору дебон
Ани ўлдуруб беажал шул замон[2].

Ана шундай жоҳил ва нодон бир шахс шаҳарнинг катта табибларидан ҳисобланади. Махмур бу табибнинг қилмишларини айниқса унинг тилидан ёзилган бир шеърида бадиий маҳорат билан очиб ташлайди:

Биҳамдиллаҳ табиби шаҳр Буқроти халойиқман,
Ажалдин ҳам бани одамни ўлдурмоққа лойиқман.
Табиби шаҳр номи ойда (бир) бемор ўлдирса,
Вале мен кунда юз беморни ўлдирмоққа ҳозиқман[3].

Шоир ҳаким Туробийнинг халойиққа бир жаллод эканини кўрсатиб, унинг тилидан бундай деб ёзади:

Ҳакими шаҳр деб олдимга ҳарший келди, ўлдурдим
Тариқи ростим шулдирки, жаллоди халойиқман[4].

Феодализм жамиятида дин эксплуататорлар синфи қўлидаги асосий қуроллардан бири бўлиб, бу қурол орқали улар кенг меҳнаткашлар оммасини нодонлик, жоҳиллик ва қоронғуликда тутар эди. Дин аҳллари эксплуататор синфларга хизмат қилар, уларга ўз зулм ва таланчилигини кенг равишда давом этдиришга ёрдамлашар ва ўзлари ҳам халқ оммасини ўшалар билан қўшилишиб талар эдилар.

---

[1] Махмур девони, варақ 58 а.
[2] Ўша қўлёзма, ўша бет.
[3] Ўша қўлёзма, варақ 58 а.
[4] Ўша қўлёзма, варақ 58 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Махмур ҳажвий шеърларининг кўпи ана шундай шариат ҳомилари деб аталган қозиларни танқид қилишга бағишланган. Қозилар мамлакатда ҳукм чиқарувчи ва жазоловчи органларни бошқарар ва феодализм тартибларини ҳимоя қилар, шариат қонунларининг амалга оширилишини контрол қилиб турар эдилар. Улар меҳнаткаш аҳолининг феодализм тартибидан норозилигини ҳар турли ҳийлалар билан босиб туришга интилар эдилар.

Шубҳасиз, меҳнаткашлар манфаатларига қарши қаратилган қонун-қоидаларни ҳимоя қилувчи, уларга риоя этишга мажбур қилувчи шахслар — қозиларни халқ ёмон кўрган, порахўр, ноинсоф қозилар тўғрисида жуда кўп латифа, эртак, мақоллар яратган.

Махмурнинг «Авсофи қози Муҳаммад Ражаб Авж» (Қози Муҳаммад Ражаб Авж сифатлари), «Ғазали қози Муҳаммад Ражаб дар бораи худ» (Қози Муҳаммад Ражабнинг ўзи тўғрисидаги ғазали), «Авсофи қози хўжа Сакбон», (Итбоқар хўжа қозининг сифатлари), «Авсофи қози Муҳаммад Зуҳур Заргар» (қози Муҳаммад Зуҳур Заргарнинг сифатлари), «Дар ҳажви Домулло Атойи Аштий» каби ҳажвий шеърлари ана шулар жумласидандир. Бу шеърларда қозиларнинг икки юзламачилиги, товламачилиги, маккорлиги ва риёкорлиги кескин равишда фош этилади.

«Қози Муҳаммад Ражаб Авж» сарлавҳали ҳажвий шеърида шоир ўзи андижонли бўлиб, Янгиқўрғонда турувчи ва Қоратепа деган жойда қозилик қилувчи Муҳаммад Ражабни танқид қилади. Дастлаб Махмур бу қозининг саводсизлиги, жоҳиллигини айтиб, унинг ҳурматга сазовор шахс эмаслигини кўрсатади.

Ажаб қозийи қоҳили жоҳили,
Бўлуб омилик илмига комили...
Тутар ўзини гоҳи шуҳҳоддек,
Қилар шаклини мисли уббоддек.
Гаҳи марди муллойи олим ўзи,
Гаҳи боби раддул-мазолим ўзи.
Гаҳи пешвойи сияҳномалар,
Гаҳи дохили базму ҳангомалар...[1].

Бу шеър Муҳаммад Ражаб қозини фош этувчи иккинчи бир шеърнинг муқаддимасидир. Унинг сўнгидан қози тилидан ёзилган шеър келади. Бу шеърда қози ўз турмуши, шубҳали ишларини ҳикоя қилади.

Шеър бошида қозини кишилар кўзига ваҳимали қилиб кўрсатувчи, салла унинг муттаҳамлигини, ифлос кирди-корларини

[1] Махмур девони, варақ 55 а. 55 б



www.ziyouz.com kutubxonasi

халқ кўзидан яшириб турувчи восита экани қозининг ўзига иқрор қилдирилади:

Гоҳким бошимда саллам бўлмаса улдам қараб,
Расми роҳи тўхмату шалтоқ кирдоримни кўр[1].

Сўнгра қозининг ўз мансабидан фойдаланиб, халқни талаш орқали қўлга киритган бойлиги тўғрисида сўз боради. Бу қозининг очкўз, текинхўр, халқни талаш ҳисобига яшовчи паразит эканини кўрсатиб, шоир қозининг тилидан бундай деб ёзади:

То адамдин азми дунё айладим юз войким,
Қўймадим оламда бир кун, нафси қаҳҳоримни кўр.
Бошланур боши сабоҳи уйқудан то ним шом,
Олти тешик, етти тешик нони нондоримни кўр.
Бир макарнажманки, юз минг аждаҳо гар учраса,
Айларам бир луқма деви жуи ашроримни кўр.
Гарчи мен қилдим тахаллус Авж олғондир ҳама,
Халқнинг остида қолган бахти жабборимни кўр.

«Дар сифати қози хўжа Сакбон» (Итбоқар қози тўғрисида) деб ёзилган шеър ҳам ана шундай шеърлар жумласидандир. Шоир ўша қози тилидан ёзади:

Ҳайли кўппакка пешво ман-ман,
Сарвару соҳиби ливо ман-ман...
Бўлмасам олдида замоний агар,
Тозилар қози қайда деб йиғлар...
Даври оламда қанчаким ит бор,
Ҳаммаси менгадур бурадару-ёр[2].

Итлар ичида юриб, қозининг ҳам итларнинг одатини ўрганганини, яъни ит каби ҳурганини «улар афғон гар этса, мен ҳураман» деган мисра орқали ифодаланади.

Шеърда шоирнинг қозига бўлган чуқур нафрати бутун кучи билан сезилиб туради. Унда итбоқар қозининг нақадар пасткаш, жирканч эканлиги, инсонлардан, жамият ҳаётидан ажралиб қолганлиги реал тасвирланади:

Нечаким мен ҳам ба жон итларга бошу раҳнамо,
Кеча-кун мендан аюрмаслар падархон деб ҳама.
Ошимиздур бир тубақда, бир ялоқда бошимиз,
Бир катакда ётамиз йўлдошу-ёрон деб ҳама...[3].

---

1 Махмур девони, варақ 55 б.
2 Ўша қўлёзма, варақ 61 а.
3 Ўша қўлёзма, варақ 61 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Авсофи қози Муҳаммад Зуҳур заргар» («Қози Муҳаммад Зуҳур заргар сифати») сарлавҳали ҳажвий шеърда Махмур ичкиликбоз, бузуқ қози образини кўрсатиб, унинг ярамас ҳатту ҳаракатини, аҳлоқсизлигини ва тарбия кўрмаган шахс эканлигини ҳажв этади ва қозини «Нодир-ул асри зино» (бузуқликда асрининг кам топиладиган нусхаси) деб атайди.

Феодализм жамиятидаги давлат машинаси эксплуататор синфларнинг намояндалари бўлган, ўша синф манфаатини ҳимоя қилучи хон амалдорларидан ташкил топган эди.

Махмур ўз ҳажвий шеърларининг кўп қисмини ана шундай амалдорларни танқид қилишга бағишлади.

«Ин ҳажв чор дар чор дар сифати Наврўз Меҳтари комкор гуфта шуда» («Бу чордарчор ҳажв Наврўз Меҳтар сифатига айтилди»), «Такаббур», «Дар сифати Давлат Келди хазиначи» («Давлат Келди хазиначи тўғрисида»), «Дар ҳажви Маҳмуд Қурама» (Маҳмуд Қурама ҳажви) кабилар ана шундай шеърлардандир.

Махмур ўзининг «Дар ҳажви Маҳмуд Қурама» сарлавҳали шеърида ана шу «сардорлар сарвари» Маҳмуд Қурама деган кишининг одамларни алдаб юручи муттаҳам, товламачи бир киши эканини кўрсатиб ўтади:

Гаҳи мунажжиму, гоҳ фолбину, гоҳ раммол,
Гаҳи муқаллиди қаллоби мардумон Қурама.
Қилиб дўконида дўкони сиккаи заррот,
Филуси танга уруб шаҳр аро аён Қурама[1].

Маҳмуд Қурама хоннинг илтифотига учраган шахс, у ҳали вакил, ҳали қози бўлиб хизмат қилади. У ҳатто оғалиқ даражасига кўтарилиб, ҳокимлар устидан бошлиқ бўлиб ҳам тайинланган:

Гаҳи вакилу, гаҳи муфтию, гаҳи қози,
Гаҳи оғолиқу, арбоби ҳокимон Қурама[2].

Хон амалдорлари тўғрисида ёзилган ҳажвий шеърлар ичида «Авсофи Каримқул меҳтар» сарлавҳали шеър ҳам бир мунча диққатга сазовордир. У биографик характерга эга. Бу шеърда шоирга бир сафар вақтида берилган от тўғрисида сўз боради. Маълум бўлишича, бу от Каримқул Меҳтар томонидан берилган. Шоир бу отнинг таърифини қилиб бундай ёзади:

Ҳам хариш, ҳам харобу, ҳам бадном,
Икки минг айб ангадур модом.
Кеча-кун беқарору лоғару қоқ,

---

[1] Махмур девони, варақ 31 б.
[2] Ўша қўлёзма, варақ 31 а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кеча-кундуз ажалгадур муштоқ.
Ҳеч донанда ёшини билмас,
Ему ўту маошини билмас.
Сув ҳам ичса тамоғига тиқилур,
Пашша гар қўнса ёлига, йиқилур...[1].

Отнинг «Даври Заҳҳок ёки Жамшид» да дунёга келганини, халқ орасидаги барча уласи отлар бунинг набираси эканини айтиб шоир унинг ҳатти-ҳаракатини оддий, аммо таъсирли воситалар билан тасвирлайди.

Гоҳи тишлаб, гаҳи тепар бу зор,
Гоҳ ҳўкуз сифат сузар бу зор.
Шохи йўқ, мисли қўчқор сузар,
Жони йўқ, кунда етти нўхта узар[2].

Шоир бу отдан сўнг яна бир отни тасвирлайди. Бу от билан олдинги отни бир-бирига таққослайди ва ҳар иккаласининг ҳам бир-биридан хароб эканини айтади:

Ул эди кунда роҳи йўртоқи,
Бул эрур қамчихўр, шаллоқи...[3].

Шоир отни тасвирласа ҳам шеърнинг сарлавҳаси Каримқул Меҳтар номига қўйилган. Шу сабабли шоир шеърнинг бошида Каримқул Меҳтарга мурожаат қилиб, бундай деб ёзади:

Эй сазовори давлати азалий,
Жомии лутфи ҳақ Каримқули.
Шаммаи вазъи одатингни дейин,
Тарзи хулқу иродатингни дейин[4].

Сўнгра Махмур ҳар иккала от таърифини бошлайди. Махмур отни ҳажв қилар экан, аслда кинояли, аччиқ ўткир ҳажвий мисраъларни Каримқул Меҳтарга қаратади. Шоир от ҳажвига киришмасдан бурун Каримқул Меҳтарга хитобан:

Мадҳи зотингни соати гўш эт,
Хуш агар келмаса, фаромуш эт[5],— деб ўтади.

Хоннинг энг золим амалдорларидан Навруз Меҳтар тўғрисида шоир нафрат билан тўлган ўткир бир шеьр яратган. Наврўз Меҳтар хон саройида шиғовуллик вазифасида ишлайди. Унинг феъли-атвори ярамас, ўзи эса, ғирт саводсиз эди. Махмур унинг пасткаш, золим, нодон тўқим табиат эканлигини чизиб, характеристикасини беради.

---

1 Махмур девони варақ 62 б.
2 Ўша қўлёзма, варақ 63 а.
3 Ўша қўлёзма, варақ 63 б.
4 Ўша қўлёзма, варақ 62 а.
5 Ўша ерда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хон амалдорларининг барча салбий сифатларини очиб ташлашда шоирнинг «такаббур» радифли шеъри ҳам диққатга сазовордир. Бу шеърнинг ҳажв объекти хон саройида офтобачилик лавозимида ишлаган бир шахсдир. Шоир унинг ўзини катта олиши, такаббурлигини қаттиқ масхара қилади:

Эй дўхта бар қадди ту ҳайёти такаббур,
Бар қомати ту рехта олоти такаббур,
Уфтода чу шайтон э—самовоти такаббур,
Мероси туро дод камолоти такаббур,
Гўянд аз ин боб туро зоти такаббур[1].

Таржимаси:

Эй, сенинг қаддингга тикувчи такаббурлик кийимини тиккан,
Қоматингга такаббурлик кийимлари ярашган,
Шайтон осмондан тушганда, эй такаббур,
Сенга такаббурликнинг камолоти мерос қилиб берилган,
Бу сабабли сени такаббур зотидан дейдилар.

Аммо у ўзини қанча юқори тутмасин, у тубан шахсдир. Узининг асосий ҳунари бангилик, иғвогарлик, туҳматчилик бўлиб, унинг атрофини ўзи каби ярамас шахслар ўраб олган.

Шоир такаббур деб лақабланган бу амалдорнинг кирдикорларини очиб ташлаб, унга ўз нафратини йўллайди.

Ниёзча оғалиқ ҳам ана шундай амалдорлардан бири эди. Махмур Ниёзча оғалиқни «насаби зодаи шайтон», деб атайди. Ниёзча оғалиқнинг хон амалдорларига хос ғазабли кўриниши, юзидан ёғилиб турган ғазаб, зулм ва зўравонликни бадиий ифодалаб, Махмур бундай деб ёзади:

Мунчаким дийдаи бинандагадир тархи совуқ,
Чунки юз чиллайи қиш рангида шоён пити-пит.
Ёғди муздек юзидан ёзу қиши қор-қиров,
Туғди совуқ суридин сарди зимистон пити-пит[2].

«Дар сифати Ниёзча оғалиқ» деб сарлавҳа қўйилган бу шеърда, Ниёзча оғалиқнинг очкўз, суқ экани тасвирланади. Шоир уни ёмон эшак деб атайди, бўйнига лаънат тамғаси осилган, еб тўймас аждаҳо деб характерлайди, бузуқлигини, номуссизлигини фош этади.

Ниёзча оғалиқнинг шилқим, сурбетлик хусусиятларини очиб ташлайди.

Шоир Махмур ўз шеърларида хонларнинг зулми ва золимлигини фош этади. Унинг Қўқон хони Олимхон вафотига ёзган шеъри ва Олимхон тўғрисидаги яна бошқа бир шеъри эътиборга сазовордир. Маълумки, Олимхон ўзининг меҳнаткашлар бошига туширган оғир кулфат ва азоблари, ҳаддан ошган зулми

---

[1] Махмур девони, варақ 23 а.
[2] Уша қўлёзма, варақ 67 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

эвазига халқ томонидан «Золимхон» деган лақабни олган эди. Ана шу золимхоннинг золимлиги ва қонхўрлиги Махмурнинг «Дар сифати амир Олимхон, таърихи ў» деб ёзилган шеърида аниқ кўзга ташланиб туради.

Махмур бу хоннинг зулмини ва у ҳукмронлик қилган пайтда аҳолининг оғир ва мусибатли турмушини тасвирлаб, бундай деб ёзади:

Шоҳе, ки хислати ў маъруф буд маълум,
Сангдон зи ҳайбати ў мегашт об чун мум.
Дар даври рўзгораш он қоҳири ягона,
Буданд халқи олам пайваста зору мағмум[1].

Таржимаси:

Подшоҳки, унинг хислати билинган ва маълум эди,
Унинг ҳайбатидан сангдон мум каби эриб кетар эди,
У ягона эзучининг даврида олам халқи буткул зорлик
ва ғамгинликда эди.

Халқнинг оғир турмуш кечирганини, унинг Олимхон зулми остида овқат ўрнига заҳар-заққум еганини шоир қуйидаги мисраларда тасвирлайди:

Дар аҳди ў риоё ҳар луқмае, ки мехўрд,
Буд он таом бар вай монанди заҳри заққум[2].

Хоннинг золимлиги ўз мамлакатидагина эмас, ҳатто бошқа мамлакатларда ҳам маълум эканини, жабр ва зулм бобидаги овозаси Мовароуннаҳрдан Хитой то Румгача етганлигини тасвирлайди.

Шоир ўзининг бу шеърида тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттириб, халқни хору зорлик ва ғамгинлик ўтида ёндирган деспотнинг образини тўғри ва реал берган.

Махмур гуманист шоир сифатида бундай золимнинг жазоланишини истар эди, гарчи шоир уни куч билан ағдариб ташлаш керак эканини мутлақо тушунмаса ҳам, подшоҳнинг ўз жиноий кирдикорларига яраша жазо тортиши керак деб ўйлар эди. Шунинг учун ҳам Олимхоннинг ёвуз қилмишларига яраша жазо тортганини бундай ҳикоя қилади:

Чун шуд зиёда аз ҳад буғзу шарорати ў,
Дар бораи халойиқ аз авлиёю мазмум.
Ногоҳ қаҳри яздон гардид мусаллати ў,
Якбора сохт ўро аз мулку жоҳ маҳрум[3].

---

[1] Махмур девони, варақ 37 а.
[2] Уша қўлёзма, варақ 37 а.
[3] Уша қўлёзма, варақ 37 а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таржимаси:

Унинг халққа нисбатан ёвузлик алангаси ҳаддан ошиб кетгандан сўнг,
Тўсатдан худонинг қаҳри унинг устига ёпирилиб,
Бирдан мулк ва подшоҳликдан маҳрум қилди.

Бу шеър бир томондан, золим подшоҳнинг ёвуз қиёфасини очиб берса, иккинчи томондан, бошқа золимларни ҳам ўз зулмига яраша жазо тортишидан огоҳлантиради. Уларнинг ҳам молу-мулк, давлатдан айрилишлари аниқ эканлигини айтади. Махмурнинг Олимхонга бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида унинг бу подшоҳ вафотига ёзган иккинчи бир шеърини келтириш мумкин. Бу шеър «Тарихи дуввуми амир Олимхон» («Амир Олимхонга иккинчи тарих») деб аталади. Қуйида бу шеърни тўлалигича келтирамиз:

Подшоҳиро, ки дарёи сифоташ кофтам,
Чуз хирад чизе надидам рўй аз он бартофтам,
Лек баъдаз мақтали ў дар сиёҳи номааш,
Золими мардуд тарихи вафоташ ёфтам[1].

Таржимаси:

У подшоҳнинг яхши сифатини синчиклаб қидириб чиқдим,
Ақлдан ҳечнарса топмадим, ундан юз ўгирдим.
Лекин у ўлдирилгандан сўнг унинг қора ёзмишида,
Рад этилган золим деб ёзилган вафоти тарихини топдим.

Шундай қилиб, Махмур ўз шеърларида бойлар, қозилар, хон амалдорларини, умуман жамиятдаги эксплуататорларни ҳажв қилиш билан чекланиб қолмади, балки уларнинг бошлиғи ва ҳомиси бўлган хоннинг золимлиги ва ярамас қилмишларини фош қилиб ташлади. Шоир хоннинг зулмини, халқ бошига келтирган оғир мусибатларини реал кўрсатиб берди.

Махмур ижодиёти ҳақида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Қасидагўйлик ва мадҳгўйлик билан шуғулланган реакцион сарой адабиёти реал ҳаётдан узоқлашган пайтда Махмур прогрессив йўналишдаги адабиётнинг йирик вакили сифатида социал аҳамиятга эга бўлган мазмундор асарлар яратди. У ўз шеърларида эксплуататор синфларнинг вакилларини қаттиқ танқид қилди.

Махмур шеърлари XIX аср бошларида Қўқон хонлигидаги ижтимоий ҳаётни, хонлар ва беклар зулмида эзилган меҳнаткаш деҳқонларнинг оғир аҳволини, кўп илғор фикрли кишиларнинг хору-зорликда яшаганини реал ва аниқ ифодалайди

---

[1] Махмур девони, варақ 37 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва унинг халқпарвар шоир эканлигини кўрсатади. Махмур шеърлари феодализм шароитидаги мамлакат ҳаётини ўрганишга ёрдам беради.

Махмур шеърларидаги характерли хусусият шундаки у, айрим конкрет шахсларни танқид қилиш орқали ўзбек адабиёти тарихида типик салбий образлар яратди.

Гарчи Махмур ўз шеърларида феодализм тузумининг айрим нуқсонларини тўғри ва жиддий танқид қилса-да, у умуман феодализм тартибларини танқид қилиш даражасига кўтарилаолмади, у оғир ва машаққатли ҳаётнинг сабабларини тушуниб етмади, бу оғир турмушдан қутулиш чораларини топаолмади. Бу ҳол шоир Махмур дунё қарашининг чекланганлигини кўрсатади.

* * *

Махмурнинг лирик шеърлари жуда кам топилган. Юқорида эслатиб ўтилган «Мажмуат-уш-шуаро» антологиясида Махмурнинг бешта ғазали бор[1]. Улардан иккитаси ўзбек тилида, учтаси тожик тилида ёзилган бўлиб, 76 мисрадан иборат.

Махмурнинг бу антологияга киритилган ғазаллари алоҳида аҳамиятга эга бўлган оригинал шеърлар эмас, балки тақлид қилиб ёзилган шеърлардир. Лекин бунга қарамай гоҳо уларда Махмур ижодига хос бўлган ўз замонидан зорланиш ва мусибатли ҳаётга норозилик билдириш оҳанглари эшитилиб туради.

Масалан:

Чун хўрам ғам баҳри рўзе бо мани заҳроба нўш,
Ҳар саҳар аз хони қисмат заҳри мор омад бурун[2].

Таржимаси:

Доимо ғам ютишим сабабли мен заҳар ичучи учун нонуштага, ҳар саҳар қисмат дастурхонидан илон заҳари чиқиб келади.

Ёки:

Нашъаи сифатингга етмайин бўлиб Махмур,
Қилди хирқани пора маскан этди вайронлар.

Умуман олганда, «Мажмуат-уш-шуаро» да учрайдиган шеърлар Махмур лирикаси учун характерли эмасдир. Бу ғазаллар Фазлий томонидан атайин танлаб олинган бўлиб,

---

[1] ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалари, № 358, 1153, 1242, 1309, 2329, 2371, 4569, 5735, 6745, 7510, 9139.
[2] Қўлёзма № 2371 в. 266.



www.ziyouz.com kutubxonasi

улар юзаки, гоҳо мазмун ва шакл жиҳатидан шаблонлашган шеърлардир.

ЎзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг № 2296 қўлёзмасидаги Ҳофизнинг машҳур «Агар он турки шерози ба даст орад дили моро» деб бошланадиган ғазалига Махмурнинг ёзган мухаммасини шоир лирикаси учун характерли мисол деб ҳисоблаш, фикримизча, тўғрироқ бўлар эди.

Ҳофиз реал инсоний муҳаббатнинг куйчиси эди. Унинг гўзал лирик ғазаллари инсон қалбининг энг чуқур жойларигача бориб етади ва қалб торининг энг нозик пардаларига таъсир этади.

Махмурнинг Ҳофиз ғазалига ёзган мухаммаси унинг жасурлиги, ўз бадиий маҳоратига ишонгани, шунингдек буюк шоирнинг юксак идеаллари уни илҳомлантирганини кўрсатади.

Махмурнинг мухаммаси, Ҳофиз ғазалининг ўзи каби жонлилигини, самимийлиги, нозиклиги билан диққатни жалб қилади. Шоир бу шеърида кишини ҳаяжонга солувчи, юракдаги энг самимий туйғуларни ифодалайди:

Биё, эй нўши доруи лаби лаълат мудоваро,
Ба жонбахши деҳад таълими анфоси масиҳоро,
Ба фарқи бандаги созам гулаҳ шаҳболи анқоро,
Агар он турки шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро[1].

Таржимаси:

Эй, лаъл лабининг нўши беморлар учун даво бўлган (гўзал) кел,
(У нўш) жон бағишлашда масиҳонинг нафасига таълим беради,
Ўз қул бошимга Анқонинг парларидан гулаҳ кияман,
Агар у шерозли турк кўнглимизни олса,
Ҳиндича холига Самарқанд ва Бухорони бағишлайман.

Мухаммасда норозилик ва ўз оғир қисматидан шикоят мотивлари ҳам учрайди. Аммо шоир қайғуга берилиб кетмайди. Ҳофизнинг баланд кўтаринки руҳининг таъсири остида у ғаму андуҳдан қутилишга, ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўлишга чақиради:

Ғанимат дон дами имрўз, бо базми тараб кун рў,
Ҳадис аз мутрибу, майгуву, роз аз даҳр камтар жў
Чу кас накшуд, накшояд ба ҳикмат ин муамморо[2].

---

1 ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси, № 2296, б. 93.
2 Ўша қўлёзма, б. 94 а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таржимаси:

Бу куннинг (ҳар бир) дамини ғанимат бил, юзингни шодлик базмига бургин.
Чолғучидан, май тутучидан (сўзла), дунёда сирларни камроқ қидиргин.
Чунки бу муаммони ҳикмат билан ҳечким ечаолмаган ва ечолмайди.

Сўнги сатрларда Махмур Ҳофизнинг шеърларини мақтайди, мисраъларнинг ўз ўрнида ишлатилгани ва бир-бирига моҳирона боғлангани тўғрисида сўзлаб, Ҳофизнинг:

Сухан гуфти-ю, дур суфти, биёю, хуш биҳон Ҳофиз,
Ки бир назми ту афшонад фалак иқди сурайёро[1].

Таржимаси:

Сўз сўйладингу, дур тўпладинг, кел хушовоз билан ўқи эй Ҳофиз,
Сенинг шеърларинг устига фалак юлдузлар тўксин—

деган мисралари учун самимий миннатдорлик билдиради.

Махмурнинг ўз мухаммасида яратган лирик қаҳрамони Ҳофиз лирик қаҳрамони каби жонли образдир; у муҳаббат, садоқат ва самимийлик билан тўла: у севади ва ҳижрон азобларига чидайди, шодланади ва ғам чекади, у турмуш ҳаяжонларини «нариги дунё» нинг лаззатларидан юқори қўяди.

Бошқача қилиб айтганда, унинг учун «яшамоқ—сезмоқ ва ва фикр қилмоқ, азобланмоқ ва роҳатланмоқ демакдир»[2].

* * *

Шоир Махмур ўз асарларини ўзбек ва тожик тилларида ёзди. Шунинг учун Махмур асарлари ўша даврдаги ўзбек ва тожик адабий тили билан танишишга имкон беради.

XIX асрда яшаган шоирларнинг кўпчилиги ҳар иккала тилни мукаммал эгаллаган бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёзар эдилар.

Махмур бир шеърини ўзбек тилида, яна бошқасини тожик тилида ёзиш билан чекланиб қолмай, бир шеърни ҳар икки тилда ҳам эркин ёзаолади. Масалан, агар унинг баъзи мухаммасларида биринчи бешлик ўзбек тилида ёзилган бўлса, иккинчи бешликнинг тўрт мисраи тожик тилида, охирги мисраи ўзбек тилида ёзилгандир.

---

[1] Махмур девони, ўша бет.

[2] В. Г. Белинский, статьи и рецензии т. I ОГИЗ Москва 1948 б. 638.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шуниси характерлики, у ёзган мухаммасларнинг деярлик ҳаммасида асосан биринчи бешлик ўзбек тилида, иккинчи бешлик тожик тилида ёзилган.

Баъзи шеърларда бошланғич мисралар ўзбек ёки тожик тилида ёзилган бўлишидан қатъий назар, ҳарбир байт ҳар икки тилда ёзилган .Масалан, Хўжа Мир Асад номига ёзилган ҳажвий шеърни олиб кўрайлик. Бу шеърнинг биринчи байти тожик тилида, иккинчи байти ўзбек тилида ёзилган:

Дўш рафтам ба гадо хонаи шайх-ул умаро,
Хўжаи Мир Асад абтари авлоди ано.
Кеча кўнглим қуши қилди тама бирла ҳаво,
Хўжаи Мир Асад даргаҳига айлади жо[1].

Бу шеърнинг характерли хусусияти шундаки, биринчи мисрада тожик тилида берилган фикр, кейинги мисрада ўзбек тилида бошқа иборалар билан ифодаланади. Демак, юқоридаги мисрада тожик тилида айтилган фикрнинг ўзбекча таржимаси иккинчи мисрада бадиий формада берилади.

Ўзбек ва тожик тилининг бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлиги Махмур девонидаги мухаммаслардангина эмас, балки айрим байтларнинг ҳар икки тилда ёзилганлигидан ҳам кўриниб туради. Масалан, «Ғазали лову-бол дар борааи худ» сарлавҳали шеър бундай бошланади:

Фиғон зи гардиши айём толеи вожун,
Ба бори фоқа алиф қоматимни айлади нун.
Замона ичра чунон нотавони маълумам,
Қаерда менга дучор ўлса занғари малъун[2].

Умуман, ўзбек тилида ёзилган шеърларда тожик сўзларининг ишлатилиши Махмур шеърларидан кўп учрайдиган ҳолдир. Бирнеча мисоллар келтирамиз:

«Сакпадар икки қуррат-ул-айни,
Икки бозандаи қимор ўлғай».

. . . . . . .

«Зоти манхус кулфат олуди,
Луқмаи мўру, нўши мор ўлғай»[3].

. . . . . . . . .

«Турфа қишлоғи ғазабкарда ки паррандалари.
Товуғи, игначию, ўрдаги, ғози, капалак»[4]
«Агар соҳиби аслдир нисбати,
Нахоҳад ки Занғар бўғай қисмати»[5].

1 Махмур девони, варақ 39 а
2 Ўша қўлёзма, в. 57 б,
3 Ўша қўлёзма, варақ 28 а
4 Ўша қўлёзма, варақ 49 а
5 Ўша қўлёзма, варақ 55 а


www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу мисоллар Махмурнинг ўзбек ва тожик тилларини мукаммал билганидан, улардан ҳардоим фойдаланганидан дарак беради.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, гарчи Махмурнинг ўзбек тилида ёзилган шеърларида тожикча сўз ва ифодалар кўплаб ишлатилган бўлса ҳам, шоирнинг соф ўзбек тилида ёзган содда, равон, енгил тушунарли мисралари ҳам бор:

Амаким халқ ичида бор ўлғай,
Лек мухтожу, хору-зор ўлғай,

. . . . . . . . .

Қариликда қароқчилик қилсин,
Токи бўйнига чўб дор ўлғай[1].

. . . . . . . . .

Я н а:

Бир ҳовуч на уйимда ғаллам бор,
Икки газ на бошимда саллам бор.
Бошима газ десам-ки саллам йўқ,
Салла десам уйимда ғаллам йўқ...»[2].

«Ҳапалак», «Дар сифати қозии Хўжа Сакбон», «Ғазали ҳожии Хўжа Сакбон», «Авсофи Каримқул Меҳтар», «Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор халта», «Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор халта будур» шеърларида ҳам ана шундай енгил ва тушунарли сатрлар бор.

Махмур ўз шеърларида халқ тилидан фойдаланди, баъзи сўзларни халқ талаффузида ишлатди.

Масалан, феъл сўзларини ишлатишда Махмур «бўлғай» ўрнига «бўғай», «келгай» ўрнига «кегай» деб ёзади ва ҳоказо.

«Бир авқотига то ба рўзи жазо,
Дамодам бўғай лаънати ҳақ фидо»[3]

Я н а:

«Шеъру китоб айтар то отим ўчмагай деб,
Мендин кегай жаҳонда боқи низом занғар»[4].

«Гар таҳорат қиса қавми сув тополмай ночор,
Бетини қум ила юб (қўлига) суртар гувалак»[5]

---

1 Махмур девони, варақ 28 *а*.
2 Ўша қўлёзма, варақ 21 *б*.
3 Ўша қўлёзма, варақ 60 *а*.
4 Ўша қўлёзма, варақ 59 *б*.
5 Ўша қўлёзма, варақ 49 *а*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Махмур ўз шеърларида оддий халқ ўртасида ишлатиладиган сўзларни адабий тилга киритди. Масалан, унинг «Ҳапалак» шеърида ўша даврда адабий тилда кам ишлатиладиган «товуқ», «игначи», «ўрдак», «капалак», «кўршапалак» каби ҳайвон ва ҳашаротларнинг исмлари, «катак», «капа», «олачуқ», «каталак», «гувалак», «сумалак», «ажириғ», «ўғур» каби турдош отлар, «ўласи», «қоқ» каби сифатларни ишлатилганини кўрамиз. «Авсофи қози Муҳаммад Ражаб» шеърида «Андижон», «Янгиқўрғон», «Қоратепа» каби жой номлари, «қишлоқ», «патта», «латта», «мардикор», «тешик», каби турдош от, «узун», «девранг», «дастори зор» каби сифатлар ишлатилган. Бундай сўзлар бошқа шеърларда ҳам кўплаб учрайди.

Махмур бу билан чекланиб қолмади, балки халқ тилидаги айрим ифодаларни ҳам адабий тилга киритди. Шоир ўз асарларида баъзи фикрларини халқ оғзидаги турли ифодалар орқали билдиради.

Масалан, «Авсофи қози Муҳамад Ражаб» шеърида қозининг мутлақо саводсиз, авом эканини халқ оғзидаги «қорнини ёрсанг алиф ҳам чиқмайди» деган ифода билан билдиради:

«Ани кўксини чоқ қилсанг ҳама,
Ғилу ғашини пок қилсанг ҳама,
Адамдир алиф анда кўп излама,
Бу нар харни қози дебон сизлама»[1].

Халқ ичида ишлатиладиган «қўрққанидан капалаги учиб кетди» деган образли ифода орқали шоир Ҳапалак қишлоғининг солиқ дарагини эшитгандан кейинги аҳволини билдиради:

«Кеча ногоҳ эшитиб шуҳрати тилло пулини
Ҳапалак қўрқусидан учди мисоли капалак»[2].

Шунингдек, танқид қилинган шахсларнинг ҳатти-ҳаракатини тасвирлашда халқ оғзида кенг ишлатиладиган ифодаларни қўллайди:

Ду чашми ўст чун балғам,
Сараш монандаи шалғам»[3].

«Кимки олдида билмай ўтирса,
Чақди заҳри билан чиён амаким»[4].

[1] Махмур девони варақ 55*а*.
[2] Ўша кўлёзма, варақ 49*а*.
[3] Ўша қўлёзма, варақ 15 *а*.
[4] Ўша қўлёзма, варақ 27*а*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Журм десанг қабат-қабат, фисқ десанг сабат-сабат,
Наҳс десанг намат-намат сўфийи хонақоҳ ўзим»[1].

Бундай мисолларни шоирнинг ҳарбир шеъридан топиш мумкин.

Махмур халқ тилида кенг қўлланадиган, аммо адабий тилга кирмаган сўзлар, ифодаларни ўз шеърларида ишлатиш орқали адабий тилни халқ тилига яқинлаштиришга, унинг бойишига маълум даражада хизмат қилди.

Махмурнинг қатор асарларида тил, услуб, ифода жиҳатидан анча ғализлик ҳам бор. Умуман олганда, Махмур шеърларининг тили анча оғир ва уларда тушунилиши қийин бўлган сўзлар, иборалар кўп учрайди. Салбий образларнинг характеристикасини берганда, уларни кўпроқ диний ҳикояларнинг салбий қаҳрамонлари билан тенглаштиради, ўшаларнинг номи билан атайди.

Уларнинг Шимр, Бужаҳл, Булаҳаб, каби диний ҳикояларнинг салбий образлари билан ҳамдам ва бирдам бўлишини тилаб, унга бўлган чуқур нафратини ифодаламоқчи бўлади. Ҳозирги замон ўқувчисига ёт ва тушунарли бўлмаган бу иборалар ўша даврда энг чуқур ғазаб ва нафратни англатар эди. Шунинг учун ҳам Махмур уларни ишлатади.

«Дар сифати Ниёзча оғалиқ» шеърида ҳам шундай мисоллар бор:

«Эй оғалиқ насаби зодаи шайтон пити-пит,
Қуррат-ул айни лаин мункири имон пити-пит.
Бениёз аз ғазаби Акбару, Жаббору, Аҳад,
Сарфароз аз асари лаънати Яздон пити-пит[2].

Махмур шеърларида диний иборалар, ифода ва терминларнинг кўп ишлатилиши, шеър тилини оғирлаштиради ва шубҳасиз, шоир ижодиётининг камчиликларидан ҳисобланади.

Махмур ўз ҳажвий шеърларида танқид қилинучи шахсларнинг салбий хусусиятларини фош қилар экан, уларга нисбатан ғазабини ифодалаш мақсадида ҳақоратли ибора ва ифодаларни ҳам ишлатиб юборади. Айниқса Махмур бу шахсларнинг маиший бузуқлиги, ахлоқсизлиги, виждонсизлиги, номуссизлигини ифодаламоқчи бўлганда ўзини тутаолмайди.

Шоир адабий тилда қўлланилиши лозим бўлмаган бундай ифодаларни ишлатар экан, баъзан уларни ўринсиз, бўлар бўлмасга ишлатабермайди. Балки шоир шундай иборалардан тан-

---

[1] Махмур девони, варақ 56 б.
[2] Ўша қўлёзма, варақ 67 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳид қилинувчи шахсларнинг сирини тўла фош этиш, уларнинг тилини аниқроқ бериш учун фойдаланади. Масалан, «Дар ҳажви Хўжа Мир Асад» шеърида Мир Асаднинг тарбия кўрмаган, ахлоқсиз киши эканини кўрсатиш мақсадида унинг ҳарбир гапи «хотининг ва болангни... (ҳақорат қилиш) билан тугайди» деб ёзади. Шоир келтирган жумла Хўжа Мир Асаднинг ўзидан келтирилган кўчирма гапдир. Шу кўчирма гап орқали Мир Асаднинг тили берилади, унинг аҳлоқсиз киши экани кўрсатилади.

Махмур девонидаги шеърларнинг деярли ярми тожик тилида ёзилгандир. Бу шеърлар шоир томонидан анча бадиий усталик ва маҳорат билан ёзилган. Бу шеърларнинг тили равон содда ва тушунарли.

Шоирнинг ўзбек тилида ёзган шеърларининг баъзи мисраларини ўзбек ёки тожик тилида ёзилганини ажратиб олиш анча қийин.

Масалан:

Зеҳи лаиму—сияҳ номаи замон Қурама,
Жаҳаннами-ю шароратгари жаҳон Қурама[1].

Бу мисралар тожик тили қоидаларига асосланиб (изофа, яъни нисбат) ёзилган. Ўша даврдаги ўзбек адабий тилида изофа кўп ишлатилар эди, ҳозир истемолдан чиқиб кетган баъзи чет сўзлар юқорида айтиб ўтилган сабабларга биноан қўлланилар эди. Шу сабабли бу мисрани ҳам ўзбек тилида, ҳам тожик тилида ёзилган деб ҳисоблашимиз мумкин.

Бу мисол ўзбек тилида ёзилган шеърда тожик тили ибораларининг кўп ишлатилишини кўрсатади. Энди тожик тилида ёзилган бир шеърни олиб кўрайлик:

Тамоми балдаи Фарғонаро зеру забар карда,
Ба дод омад зи дасти зулми бедодаш мусулмонон[2].

Бу шеърда тожик тилига кирган бирорта ўзбек сўзини учратаолмаймиз.

Махмурнинг янги топилган девонидаги ўзбек ва тожик тилида ёзилган шеърлари билан танишиб чиқиш натижасида шундай хулосаларга келиш мумкин.

1) Махмур ўз даврининг ўқимишли кишиси ва талантли шоири бўлиб, ўша даврдаги ўзбек ва тожик адабий тилларини мукаммал билган ва ҳар икки тилда асарлар яратган.

2) Махмурнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган шеърлари XIX асрда ўзбек ва тожик тилларининг ҳолати ва уларнинг луғат состави ҳақида маълумот беради.

---

[1] Махмур девони, варақ 31 *а*.
[2] Ўша қўлёзма, варақ 14 б



www.ziyouz.com kutubxonasi

3) Махмур ўз шеърларида халқ оғзида ишлатиладиган турли ифодалар, сўзларни қўллайди. Бу ҳол шоирнинг адабий тилни халқ тилига яқинлаштириш учун маълум даражада хизмат қилганини кўрсатади.

4) Махмур ўз ҳажвий шеърларида танқид қилинувчи эксплуататорларнинг сирларини фош қилишда ўшаларга хос ифода ва ибораларни усталик билан ишлатди, ҳоким табақага хос кишиларнинг маънавий қиёфасини очишда, уларнинг тил хусусиятларидан тўғри фойдаланди ва шу орқали образларнинг реал ва жонли бўлишига эришаолди.

5) Ўша даврдаги адабий тилда кўп учрайдиган диний хурофий ибораларнинг таъсири Махмур асарларининг тилида ҳам очиқ сезилиб туради. Улар Махмур шеърларининг тилини оғирлаштирган ва тушунилишини қийинлаштирган. Бу ҳол шоир Махмур асарларининг тил хусусиятларига оид камчилигидир.

6) Махмурнинг ҳажвий шеърлари чуқур ва ҳаққоний идея билан суғорилган. Танқид қилинган салбий шахсларга нисбатан шоир раҳмсиз равишда кескин ифодаларни ишлатади, ҳатто вульгар ибораларни ҳам қўллайди. Аммо Махмур ҳажвий шеърларида вульгаризм гоҳо ҳақоратли сўзлар, ҳаддан ташқари бепарда жумлалар билан олмашиниб кетади. Бу ҳол шоир ижодини камситувчи ҳодисадир.

* * *

Махмур ўз шеърларини аруз вазнида ёзди. У аруз вазнининг мураккаб йўлларини эгаллади ва улардан фойдаланди. Махмур шеърлар тўпламида ғазал, маснавий, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустаҳзод, қитъа, баҳри тавил усулида ёзилган шеърлар учрайди.

Ғазал одатда муваффақиятсиз муҳаббатнинг аламларини куйловчи шеърий форма деб ҳисобланар эди. Ғазал жанри орқали фақат тор ҳиссий кечинмаларни ифодалаш мумкин, у ички ҳисларни берувчи шеърий шакл деб қаралар эди.

Ҳақиқатан ҳам ғазал жанри вужудга келган даврдан бошлаб ана шундай ички кечинмаларни ифодаловчи шеърий шакл бўлиб хизмат қилди (Ҳофиз, Саъдий ва бошқалар), ҳатто XIX асрдаги ўзбек адабиётида ҳам ғазал тор ички кечинмаларни ифодаловчи шаблон шакл бўлиб қолди.

Махмурнинг кўп шеърлари, масалан, «Ҳапалак», «Қози Муҳаммад Ражаб», «Ҳожи Ниёз» тилидан ёзилган шеърлари ва бошқалар ғазал шаклида ёзилган. Лекин уларда тор ҳиссий кечинмалар, муваффақиятсиз муҳаббатнинг аламлари



www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас, балки хон амалдорлари, феодализм жамиятининг вакилларига нисбатан ғазаб ва нафрат ифодаланган.

Махмур прогрессив йўналишдаги адабиёт вакили бўлганлиги учун эски адабий шакл-ғазалдан ўзининг халқпарвар фикрларини тарқатиш учун фойдаланди. Ғазалга янгича мазмун киритди ва бу усулни кенг қўллади. Ғазал энди фақат ишқий ва ҳиссий кечинмаларни куйловчи тор бадиий шакл бўлибгина қолмай, балки эксплуататорлар зулми остида эзилган халқнинг оғир турмушини бадиий равишда ифодаловчи, ҳоким синф вакилларининг жиноий антиморал кирдикорларини фош қилувчи, уларга нисбатан ғазаб ва нафратларини билдирувчи шакл ҳам бўлиб қолди.

Махмурнинг кўп шеърлари мухаммас шаклида ёзилган. «Муножот ба даргоҳи қози-йўл-ҳожат», «Қосим беклар-беги вазир сифатида» сарлавҳали, «такаббур» радифли, «Домулла Атойи Аштий»[1] ва бошқа шеърлар яна шулар жумласидандир. Махмур бу шеърларда юқорида айтилгани каби, хон амалдорларини танқид қилади. Феодализм давридаги оғир ҳаётни реал тасвирлайди. Мухаммас шакли Махмур ижодида тор ишқий мавзулардан юқори кўтарилиб, социал мавзуларни ифодалаш учун хизмат қилади. Махмур ўз халқпарварлик ғояларини ифодалашда бу шаклдан ҳам фойдаланди.

Шундай қилиб, Махмур мавжуд бадиий шакллардан ижодий фойдаланиб, кўп ҳолларда улар орқали янгича мазмунни ифодалади.

Махмурнинг бир қатор шеърлари маснавий шаклида ёзилган. Маснавий шакли ўзининг равонлиги ва ўнғайлиги жиҳатидан бошқа шакллардан фарқ қилади. Шу сабабли Махмур ўзининг Қози Муҳаммад Ражаб ҳақидаги ҳажвий шеърини, Ҳожи Ниёз Итбоқар қози ҳажвий шеърларини ана шу маснавий шаклида ёзди. Маснавий одатда бирор ҳикоя ёки воқиани тасвирлашда кўпроқ ишлатилар эди. Махмур томонидан танқид қилинган шахслар, шоирнинг айтишича, ҳарбири ўз ҳолича шеър ёзишга уриниб юрган кишилар бўлган. Шунинг учун ҳам Махмур уларни фош қилувчи кўпгина шеърларини ўша шахсларнинг ўз тилидан ёзган. Шоир бу шеърларни ёзишдан олдин уларнинг ҳар бирига маснавий шаклида изоҳ бериб ўтади. Махмурнинг бу ҳажвий шеърлари бир цикл шаклида ёзилган бўлиб, бу ўша давр адабиётида янги ҳодисадир. Бу цикл шеърларни бошловчи биринчи «Авсофи қози Муҳаммад Ражаб Авж» сарлавҳали шеър маснавийда ёзилган ва шоир унда қозига қисқача характеристика бериб ўтади. 7 шахс тўғрисидаги шеърларнинг ҳаммаси аввало масна-

[1] Махмур девони, варақлар 16 *а*, 18 *б*, 22 *б*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

вий шаклида ёзилган изоҳ, сўнгра ўша шахслар тилидан ёзилган шеърлардан иборатдир.

Махмур ижодининг бадиий хусусиятлари тўғрисида сўзланганда ўз давридаги адабий ҳаракатчиликда янги бадиий усул яратганини эътироф этиш мумкин. Бу усул сюжетли шеър усулидир. Умуман, ўзбек поэзиясида сюжетсиз шеър кенг тарқалган бўлиб, сюжетли шеър оз ёзилар эди. Махмур ана шундай традиция ҳукм сурган вақтда ўзининг сюжетли шеърларини яратди.

Бунга «Хўжа Мир Асад ҳажви» сарлавҳали шеъри айниқса характерли мисол бўлаолади.

Ўзининг оригинал бадиий тузилиши орқали «Ин ҳажв дар сифати Наврўз Меҳтар комкор гуфта шуда» («Бу ҳажв мақсадга етган Наврўз Меҳтар сифатида айтилди») сарлавҳали шеъри айниқса диққатни ўзига тортади. Бу шеър 12 қисмдан иборат бўлиб, ҳарбир қисми алоҳида қофияланади.

Бу шеър ўзининг тузилиши жиҳатидан тамомила оригинал шеърдир. Ҳарбир 12 банд икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисми биринчи қисмининг шарҳидир. Бундай бадиий ифода усули шеър мазмунини кенг очишда ўнғайлик туғдиради ва равон ўқилади. Махмур бу шеърни «чор дар чор» деб атайди.

Шундай қилиб, Махмур сюжетли шеърлар, цикл шеърлар усулини яратди, янги бадиий шакллар вужудга келтирди. Бу шаклий янгиликлар унинг ифодаламоқчи бўлган мазмунини ўқучига етказишга енгиллик туғдирар эди.

* * *

Махмурнинг янги топилган девонидаги шеърлар тўпламида унинг тасвир воситаларини кенг қўллайолувчи, бадиий талант эгаси эканига гувоҳлик берадиган шеърлар кўп учрайди. Шоирнинг шеърларида усталик билан қўлланилган ўхшатиш, метафора, гипербола, муболаға, киноялар ва бошқа адабий приёмлар жуда кўп.

Кеча гўё эшитиб шуҳрати тилла пулини,
Ҳапалак қўрқусидан учди мисоли капалак[1].

Ҳапалак қишлоғи аҳолисининг солиқдан қанчалик қўрқиб кетганини кўрсатиш учун шоир уни қўрқишдан учиб кетган капалакка ўхшатади. Бу ўхшатиш ўринли ва шеърнинг олдинги мисраларидаги бадиий приёмлар билан логик жиҳатдан бир-бирига боғланади. Чунки олдинги мисралардан бирида бу

---

[1] Махмур. Танланган шеърлар, Тошкент, 1951 йил, бет 17.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқнинг «товуғи, ўрдаги-ғози капалак»[1] экани айтилар ва қишлоқ аҳолисининг «ўласию, қоқу, хароб; очлигидан эгилиб қомати мисли камалак»[2] бўлгани кўрсатилган эди. Қашшоқлик ва ожизлик натижасида шу қадар ҳолсизланиб қолган халқнинг солиқ дарагини эшитиб, капалак каби қўрқиб кетиши шубҳасиздир. Демак, Махмур бу ўхшатиш орқали Ҳапалак қишлоғи аҳолисининг аянч ва ачинарли аҳволини тўғри ва таъсирли равишда ифодалаган. Метафоралар шоирга ўз фикрини янада образлироқ ифодалашга ёрдамлашади:

Синалар маъмурасини селдек қилдинг хароб,
Аҳли дил бағрини ҳасрат ўтида этдинг кабоб[3]

«Юрак-бағрини ҳасрат ўтида кабоб этдинг» деган ифодани шарқ поэзияси учун шаблон ифодалардан деб ҳисоблаш мумкин. Лекин бу ифода ҳар доим «ишқу-муҳаббат» ёки ҳижрон ўтидан «кабоб» бўлган юраклар тўғрисида ишлатилар эди. Махмур ана шу ифодани олиб, уни социал ҳуқуқсизлик замонида ҳукмрон бўлган феодал зулми натижасида «кабоб» бўлган дилларга татбиқ қилди, шу сабабли ҳатто бу шаблонлашган ифода ҳам ўша зулм ва оғир ҳаётни ифодалашга хизмат қилди. Бу шеърнинг биринчи мисраида ҳам шоир бадиий тасвир воситаларидан тўғри фойдаланган. У зулмнинг шиддати ва кучини селга ўхшатиб, ўша зулм сели остида эзилган ва барбод бўлган кишиларнинг кўксини сел остида қолиб кетган иморатларга ўхшатади.

Яна:

Наҳли Идборинг уза мурғи ки қўйди ошиён,
Тухми анжум гардишидан санги борон айладинг[4]:

Бу мисраларда фалак орқали замонада ҳукм сурган ноҳақлик, зулм акс эттирилади. Бу даврда яшовчи киши қушдек кўрсатилиб, унинг ҳаёт учун ясаган уяси идбор (орқага кетучи, зулмга юз тутган) дарахтга қўйилгани айтилади. Бу ёмонлик дарахтига қўйилган қушнинг уясини яна ўша фалак тошбўрон остига олиб ҳалок қилади. Мамлакатдаги оддий меҳнат аҳлининг машаққатли ҳаёти ва омонсиз зулм остида қолганини Махмур ана шундай бадиий тасвир орқали образли ифодалайди. Бундай мисолларни Махмур шеърларидан анча келтириш мумкин.

Салбий образларнинг каррикатурасини беришда Махмур муболаға приёмини ишлатади:

---

1 Махмур, Танланган шеърлар, Тошкент, 1951 й., бет 15.
2 Шу асар, ўша бет.
3 Шу асар, бет 19.
4 Шу асар, бет 19



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чиқиб ар-ари қадди чандон узун,
Бўлур сақфи гардунга қилсанг сутун.
Кесиб бир шитолангни ҳам икки йўл,
Равон айла Жайҳуну Сайҳунга пул[1].

Бу мисраъларда шоир танқид қилинувчи қозининг бўйини «осмонга устун» бўладиган даражадаги терак каби узунлигини, унинг ҳар икки оёғининг бармоғини кесиб Амударё ва Сирдарёга кўприк ясаш мумкин эканлигини айтади: Бу муболаға анча оригинал бўлиб, шоирнинг ҳажв объектига нисбатан бўлган кучли нафратини ҳам билдириб туради.

Каррикатурани давом этдириб, Махмур қозининг савлатини бундай тасвирлайди:

Дами гар бузулса бу достори зор,
Тузатмоққа солгай анга мардикор.
Буриб жумла дарвозаи салласи,
Эшикларин вайрон қилар калласи[2],

Шоир қозиларнинг ташқи кўринишини тасвирлаб, улардан кулади. Аччиқ кулги, киноя, истеҳзо, ғазаб шоирнинг ўша даврдаги ҳукмрон табақаларга қарата ёзган шеърларида кўп учрайди.

Шоир баъзи шеърларида ҳажв қилинувчи субъектлардан жуда қаттиқ ғазабланганини ҳеч яширмайди. Ана шундай шеърлардан бири тожик тилида ёзилган Домулло Атоий Ашти тўғрисидаги ҳажвдир.

Махмур бу шахснинг ёмон ниятли қора кўнгил киши эканини нафрат билан тасвирлаб, ўзининг кучли бадиий маҳорат эгаси эканини намоён қилади. Яна шундай ғазабли ва ўткир ифодалар шоирнинг «такаббур» радифли мухаммаси, Наврўз Меҳтор ҳажви, хўжа Мир Асад ҳажви бошқа ҳажвий шеърларида кўплаб учрайди.

Шоир Махмур шеърларининг бадиий хусусиятлари билан танишиб чиқиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Махмур мураккаб шеърлар ёзиш техникаси (қоидалари)ни, арузни мукаммал билган, ундан тўғри фойдаланиб, бадиий-шеърий асарлар яратган шоирдир.

2. Махмурнинг баъзи социал аҳамиятга эга бўлган ҳажвий-танқидий шеърлари ғазал шаклида ёзилган. Бу эса XIX асрда илғор шоирларнинг социал мазмун ва аҳамиятга эга бўлган шеърлар яратишда ғазал шаклидан фойдаланганлигини билдиради.

---

[1] Махмур. Танланган шеърлар, Тошкент, 1951 й. бет 19

[2] Махмур девони, варақ 55 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Махмур баъзан сюжетли шеърлар ёзди, цикл шеърлар яратишга уриниб кўрди. Бу унинг ижодиётидаги ижобий ҳодисадир.

## ХУЛОСА

Шоир Махмур XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон шаҳарида яшади ва ижод қилди. Унинг яшаган даврида мамлакатда феодал ишлабчиқариш усули ҳукмрон эди. Феодал тартибларнинг ҳукмронлиги мамлакат экономикаси ва маданиятининг ўсишига халақит берар, хон ва бекларнинг тўхтовсиз олиб борган урушлари халқ хўжалигини тамомила хароб қилган эди. Бу даврда эзилган меҳнаткаш халқ оммасининг шафқатсиз феодал эксплуатациясига қарши кураши давом этди. Эксплуататорлар синфи билан эксплуатация қилинувчи халқ оммаси ўртасида давом этган бу кескин синфий кураш адабиётда ҳам ўз ифодасини топди. Бу даврда эксплуататор синфлар манфаатини ҳимоя қилувчи феодал-клерикал адабиёт ва кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ифодаловчи прогрессив йўналишдаги адабиёт бор эди. Феодал-клерикал адабиёт феодал ҳукмронлигини гўё мустаҳкам ва барқарор деб тасдиқлаш, меҳнаткашлар оммасининг эксплуататорларга қарши курашини бўшаштириш, уларнинг диққатини синфий курашдан четга тортиш мақсадларига хизмат қилар эди. Бундан ташқари, бу адабиётда, тақлидчилик ва назирагўйлик жуда кўп қўлланилгани сабабли, у бадиий қашшоқликни бошидан кечирмоқда эди. Феодал-клерикал адабиётнинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан тамомила тушкунликка юз тутганлиги, умуман феодал тартибларининг тушкунликка учраганидан дарак бериб турар эди.

Прогрессив йўналишдаги адабиёт намояндалари Махмур, Гулханий ва бошқалар ўз асарларида халқ оммасининг эксплуататор феодаллар зулми остида кечираётган уқубатли ҳаётини реал тасвирладилар. Феодализм жамияти келтириб чиқарган адолатсизлик, жоҳиллик, иккиюзламалик, таланчилик, порахўрлик каби ҳоким синф вакилларига хос бўлган хусусиятларини фош этдилар. Улар феодализм жамиятининг маразларини очиб ташладилар, меҳнаткашлар оммаси тарафида туриб, ҳаётни ҳаққоний равишда тасвирладилар.

Аммо бу прогрессив йўналишдаги адабиёт том маънодаги демократик адабиёт даражасига кўтарилаолмаган, ҳали етарли даражада шаклланмаган эди. Меҳнаткашлар оммасининг оғир ҳаёт кечираётганлигининг сабаби — мамлакатда феодализм тартиблари эканлигини бу адабиёт вакиллари тушуниб етмадилар. Улар ўз асарларида умуман феодал тартибларини танқид қилиш даражасига кўтарилаолмадилар.


www.ziyouz.com kutubxonasi

XIX аср бошларидаги прогрессив йўналишда бўлган адабиётнинг йирик вакилларидан бири-шоир Махмурдир. Махмур ижодиёти бу адабиётнинг ҳам кучли, ҳам кучсиз томонларини яққол кўрсатиб беради.

Махмур ўз шеърларида меҳнаткаш деҳқонларнинг хонлар ва беклар зулми остида кечирган машаққатли ҳаётини реал тасвирлади. Махмурнинг кўп шеърлари ўша даврдаги меҳнаткашлар ва илғор фикрли шахсларнинг қанчалик қийинчилик, заҳмат ва машаққатлар ичида яшаганини, хонлар, феодаллар уларни тўхтовсиз азоб-уқубатларга дучор қилганини ҳаққоний реал сатрларда акс эттирди.

Махмур ўз шеърларида ҳукмрон феодал синф вакиллари, уларнинг малайлари-қозилар, ҳартурли амалдорларнинг ифлос башараларини очиб ташлади, ёвуз кирдикорларини фош қилди.

Махмур ўз ҳажвий шеърларида ҳоким синф вакиллари ва уларнинг малайларига нисбатан чуқур нафрат изҳор қилади. Бу нафрат шоирнинггина эмас, балки барча халқпарвар шахсларнинг нафратидир.

Махмур ўз давридаги ижтимоий ҳаётни, деҳқонлар ва илм аҳлининг аҳволини тасвирлади, лекин ўша оғир ҳаётнинг сабабчиси бўлган ҳукмрон синфларга қарши кескин курашга чақирмади, унинг ўрнига оғир турмушдан зорланиш билан чекланди. Шунинг натижасида хоннинг бош эксплуататорлардан бири эканини онглайолмай, хондан ўз оғир турмушидан қутилиш учун ёрдам сўради. Ҳатто моддий ёрдам олиш мақсадида хон ва баъзи амалдорлар номига қасидалар ҳам ёзди.

Бу ҳол шоир Махмур ижодидаги камчилик бўлиб, унинг дунёқарашидаги чекланганликнинг натижасидир. Лекин унинг ижодидаги бундай камчиликлар у яшаган давр ва муҳит таъсири натижасида вужудга келган эди.

Махмурнинг ўз шеърларида феодализм маразларини очиб ташлаганлиги феодал-клерикал адабиётга қарама-қарши равишда адабиётга халқпарварлик ғояларини олиб кирганлиги, эксплуататор синф вакилларининг ифлос кирдикорларини фош қилганлиги XIX аср бошларидаги Қўқон хонлиги территориясидаги ижтимоий ҳаётни ўрганишга ёрдам беради.

Буюк гуманист шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Золим подшоҳлар тўғрисида», «Риёли шайхлар тўғрисида», «Мени ишқдан мань этар сода шайх» каби шеърларидаги танқидий мулоҳазаларни XIX аср бошларида давом эттирувчи шоир Махмур бўлди. Махмурнинг Олимхон тўғрисидаги ва бошқа ҳажвий-танқидий шеърларининг юзага келишида Навоий ижодининг таъсири шубҳасиздир. Махмурнинг ҳажвий-танқидий шеърлари ўзбек адабиётида сатира жанрини анча бойитди, бу



www.ziyouz.com kutubxonasi

жанрнинг янада ўсишига имконият яратиб берди. Махмур асарларининг таъсири XIX ва XX аср бошларидаги демократ шоирлар ижодида яққол сезилиб туради. Бунинг энг ёрқин мисоли демократ-шоир Муқимий шеърларида кўринади. Муқимийнинг кўп ҳажвий-танқидий шеърларида Махмур ижодининг таъсири бор. Махмурнинг халқпарварлик ғоялари Муқимийнинг Махмур ёзган «Ҳапалак» шеърига боғлаган муҳаммасида ўзининг реал мантиқий давомини топди. Ундан ташқари, Муқимийнинг «Танобчилар», «Тўйи иқон бачча», «Баччағар», «Авлиё» ва бошқа кўп ҳажвий шеърларида Махмур ижодининг таъсири очиқ кўринади. Муқимийнинг замондошлари ва дўстлари Фурқат, Завқийлар ҳам, ўз ҳажвий-танқидий шеърларини ёзишда Махмур ижодидан озми-кўпми фойдаланганлар.

Махмурнинг кўп ишлатган адабий усули-танқид қилинувчи шахснинг ўз тилидан шеър ёзиш приёми отоқли ўзбек совет шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодиётида ҳам учрайди. Ҳамза Ҳакимзоданинг «Азимхўжа эшоннинг оғиз боғлашлари» сарлавҳали шеъри ана шу усулда ёзилгандир.

Махмур ижодиётини ўрганар эканмиз, унинг ҳажвий шеърлар ёзишда камолатга етишган шоир эканини кўрамиз. Бу ҳол унинг ўзбек адабиётида сатира жанрининг йирик вакили эканидан дарак беради ва унинг ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Махмур ўз ижодий фаолияти билан ўзбек адабиёти тарихининг ривожланиши учун солмоқли ҳисса қўшган сатирик шоирдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МАХМУР АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНОЖОТ БА ДАРГОҲИ КОЗИ-ЮЛ-ҲОЖОТ

**(Ҳожатларни чиқарувчи Қози даргоҳига муножот)**

Дар сипосу шукр маънои ту мо бечораем,
Солу моҳ андар тариқи ин талаб овораем,
Дар миёни мавжаи хавфу ражо хунхораем,
Дар дили гирдоби ғамҳо бо дили садпораем,
Абри раҳматдин иноят, бўйла уммон айладинг[1].

Мо гунаҳкори жаройим пешаҳои шармсор,
Бар умиди баҳри бепоёни лутфи кирдигор,
Дар паноҳи зилли алтофи ту, эй парвардигор,
Мо заллилу, хору, зору, хокисору, бемадор
Журми осийлар учун файзингни борон айладинг[2]

Амри наҳйинг роҳи ботил узра эрмиш ёдимиз,
Кечау кундуз сифотингдир бизи арзоқимиз,
Сендин эй халлоқ йўқдир нолау фаръёдимиз,
Лек чархи кажравишни дастидиндир додимиз,
Сенки лутф айлаб анинг дастури даврон айладинг.

Доимий эҳсони вай бошад ба сўи ағниё,
Кард доноён ба зери панжаи жоҳил фано,
Тўтиёнро сохта дар қайди зиндон мубтало,
Андалибонро мутеи бум карди, эй сабо,
Аҳли донишни забуни дасти нодон айладинг[3].

Хор қилдинг оқибат ҳаркимни эрди аржуманд,
Паст этдинг соядек, нахлики бўлди сарбаланд,
Барча феълинг ностуда, жумла васфинг нописанд,
Юсуфу Мисрини айлаб чоҳи зиндон ичра банд,
Пири канъон манзилини байтул аҳзон айладинг.

Эй фалак дар бораи мо зулми беҳад то ба кай?
Мо асирон дар тилсими мардуми бад то ба кай?
Бар сари мо ростон шамшири чун мад (~) то ба кай?



www.ziyouz.com kutubxonasi

Як алам дар бораи мо сохтан сад то ба кай ?
Эй ситампарвар юраклар таҳбатаҳ қон айладинг[4].

Қайси бир зулминг этай теъдод, эй гардуни дун,
Ким сенинг бедоду жавринг ҳадди ғоятдин бурун,
Беҳунар жоҳилга бердинг беадад дунё-у дун
Жамъи доноларни қилдинг ҳолини зеру забун,
Зоғни аъло қилиб, тўтини нодон айладинг.

Токай эй гардуни дун дунро риоят мекуни?
Чанд боҳам номи худ лутфу иноят мекуни?
То ба кай аз мо ба жамъи худ шикоят мекуни?
Чанд бо ин аблаҳон нақли ҳикоят мекуни?
Ҳамсифат ҳамном учун дунларга майлон айладинг[5].

Синалар маъмурасини селдек қилдинг хароб,
Аҳли дил бағрини ҳасрат ўтида этдинг кабоб.
Феълу атвор(инг) мукаддар, гуфти-гўйинг носавоб,
Лутфинг эрмас беғараз, инъоминг эрмас беҳисоб,
Тифлдек бўлдинг пушаймон кимга эҳсон айладинг?

Алғиёс, эй аз ситамҳои спеҳри бад шиор,
Дар дили мо нест акнун тоқату, сабру қарор,
Алъамон гўён ба олам нолам аз дасти ту зор,
Алҳазар гўён гурезам аз ту дар шаҳру диёр,
Ким кўнгил мулкин бузиб ер бирла яксон айладинг[6].

То қалам чекти қазо ловҳи вужуди кунфакон,
Келмади бир ростлиқ нақлингда эй қаж достон,
Мумтаҳандирсан ёмонлиғда на ҳожат имтиҳон,
Нахли идборинг уза мурғики қўйди ошиён,
Тухми анжум гардишидан санги борон айладинг.

## МАЪНОСИ

1 Биз бечоралар сенинг маънонгда шукр ва миннатдорчиликдамиз,
Йиллар ва ойлар шу йўл, шу талабда оворамиз,
Хавф ва умид тўлқинлари орасида қон ютамиз,
Ғам гирдоблари остида дилларимиз юз пора бўлган,
Уммон каби раҳм булутидан иноят қилдинг.

2 Биз гуноҳкорлармиз, гуноҳларни ҳунар қилган шармсорлармиз,
Яратучининг чексиз лутфидан умидвормиз,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй парвардигор, сенинг лутфларингнинг соясида,
Биз тубанлаштирилганмиз, хору зормиз, тупроқ билан баравар қилинганмиз, мадорсизмиз,
Гуноҳкорларнинг гуноҳлари учун (уларга) файзингни ёмғурдек ёғдирдинг.

3 Доимо унинг эҳсонлари бойлар томонига бўлди,
Доноларни жоҳиллар панжаси остида йўқ қилди,
Тўтиларни зиндон қайдига мубтало қилиб,
Эй сабо, булбулларни бойқушларга қарам этдинг,
Илм, фикр аҳлини нодонлар қўлида хор қилдинг.

4 Эй фалак, бизга бу чексиз зулминг қачонгача давом этади?
Биз ёмон кишиларнинг тилсимига қачонгача асир бўлиб турамиз?
Биз тўғрилар бошида қайрилма қамчилар қачонгача синади?
Токайгача бир аламни биз учун юз алам қиласан,
Эй золим, юракларни қатма-қат қонга айлантирдинг.

5 Эй пасткаш дунё, токайгача пасткаш кишиларга риоя қиласан?
Сенга ҳамном бўлган пастларга қачонгача лутфу иноят қиласан?
Қачонгача биздан ўз аҳлларингга шикоят қиласан?
Қачонгача бу бирнеча аблаҳларга ҳикоялар нақл қиласан?
Ҳамсифатинг, ҳамноминг бўлгани учун пасткашларга майл кўрсатдинг.

6 Ёмон шиорли осмоннинг стамларидан дод!
Дилимизда ортиқ тоқат, сабру қарор қолмади.
Сенинг дастингдан алъамон деб йиғлаб нола қиламан,
Алҳазар деб шаҳарларда сендан қочаман,
Чунки сен кўнгил мулкини бузиб ер билан яксон қилдинг.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДАР СИФАТИ ҚИШЛОҚИ ҲАПАЛАК ҚИ БА МАҲДУМ МАХМУР ТААЛЛУҚ ЁФТА

**(Махмур маҳдум алоқадор бўлган Ҳапалак қишлоғининг сифатида)**

Эй жаҳондори зафар кавкабаи даври фалак,
Гўш қил қиссаи қишлоқи хароби Ҳапалак.

Турфа қишлоқи ғазаб карда ки паррандалари,
Товуқи игначи-ю, ўрдагу ғози капалак.

Вору йўқ уйларини банда баён гар қилсам,
Бир катак, икки капа, уч олачуқ, тўрт каталак.

Дема уй, балки заминкандир, агар кирса киши,
Ҳар тараф бетига ургайлар анинг кўршапалак.

Халқини кўрсанг агар ўласи-ю, қоқу-хароб,
Очликдан эгилиб қомати мисли камалак.

Ажириғ томирини ўғурида майда туюб,
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Гар тоҳорат қиса қовми сув тополмай ночор,
Бетини қум била юб (кўзи) га сургай гувалак...

Ҳазрати хондин тилла пулисини талаб қилгани:

Эй фалак қадри адолат шийаму мулки малак,
Марҳамат чоғида раҳм айла ба ҳоли Ҳапалак.

Кеча гўё эшитиб шуҳрати тилла пулини,
Ҳапалак қўрқусидан учди мисоли капалак.

Ҳимматинг йўлида бир тепа каромат қилгин,
Капалак боз қўниб жойига бўлгай Ҳапалак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАЪРИФИ ВИЛОЯТИ ҚУРАМА ВА АЗ ДАВОНИ КАНДИР ГУЗАШТАН

**(Қурама вилояти ва Кандир довонидан ўтишнинг таърифи)**

Эй кўнгул, айлама минбаъд ҳавойи Қурама,
Бўлмагил боз гирифтори жафойи Қурама,
Маҳв қил фикр замиридаги ройи Қурама,
Ганж бод овар агар бўлса садойи Қурама,
Борма зинҳор суйи хотами тойи Қурама.

Шарҳ айлай сифати ҳодисаи даҳр дигар,
Қиссаи бул ажабу ҳодисаи шаҳр дигар,
Дашт саҳройи дигар, баҳри дигар, наҳри дигар,
Обу оши ҳама заққуму, суви заҳр дигар,
Арзу афлок дигар, давр бинойи Қурама.

Самадо, сахла дигар бора кировчи йўлидин,
Солма ёдимга ани дашт қиёмат чўлидин,
Талхком айлама лутфинг била аччиқ кўлидин,
Шиквагар то бўмайин қавми қароқчи чўлидин,
Бир юриб йўлида минг сўкма саройи Қурама.

Турфа шаҳри-ки анинг сар-сари монанди самум,
Куйдирур шиддати сармоси халойиқни чу мум,
Ҳар тараф анда олиб хайли бало, фавжи ҳужум,
Суви заҳробаи ғам, чашмалари айни зақум,
Ҳосили маҳсули офоти бақойи Қурама.

Ёзу-қиш ўру, яланғоч нару-модасидир,
Мода зоди галаи хирс соғин подасидир,
Олти хуржинни олиб бўйнига озодасидир,
Сар-сари од дами субҳни шаббодасидир,
Дема тўфон ки насими зурафойи Қурама.

Менки юрдим Қурама ичра босиб қору-қиров.
Кўрмадим анда башар синфини ғайр аз хару-гов,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бойини чиннийи жононасидир эски ликов,
Жоми Жамшидисидир бийларини куҳна сулов,
Қопи минг йилгиси мирзойи қабойи Қурама.

Мавзуъи ким бўса моҳияти исми Қурама,
Қурусин оти анинг, исмини мандин сўрама,
Бир кўруб бори дигар ёнига ҳаргиз йўлама,
Йўласанг ташна бўлиб йўлида андин сулама,
Тўла қатрони жаҳаннам ҳама сойи Қурама.

Оқибат чарх налар солмади бошимга мени,
Қилди сарсон само заррада бошимга мени,
